

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.Х.Абдуллаев

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА МАҲОРАТИ



Малака ошириш курси тингловчилари учун

Наманган – 2023

Мазкур ўқув услубий қўлланма дарсларни компетенциявий ёндашув асосида самарали ташкил этиш йўллари, таълимга компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш, дарснинг мазмун моҳиятини очиқ беришда яқиндан ёрдам берувчи методлар ва компетентлик борасида тавсиялар ҳамда эргономик компетенциянинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур ўқув қўлланмадан умумтаълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилари ҳамда малака ошириш курсларида таҳсил олаётган курс тингловчилари фойдаланишлари учун мўнжалланган.

Тузувчи:

С.Х.Абдуллаев - НамДУ
технологик таълим кафедраси
профессори вазифасини бажарувчи,
п.ф.д.,доцент.

Такризчилар:

Ў.Асқарова - НамДУ Педагогика
назарияси ва тарихи кафедраси
муdiri, п.ф.доктори, профессор.

И.Каримов-ҚДПИ Технологик
таълим кафедраси профессори
вазифасини бажарувчиси, п.ф.н.,
доцент.

Ушбу ўқув услубий қўлланма НамДУ Технологик таълим кафедрасининг 2022 йил _____даги ___сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, университет ўқув-услубий Кенгашининг 2023 йил “___” _____даги _____сонли йиғилишида фойдаланишга тавсия этилди.

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА МАҲОРАТИ

Кириш	4
I.БОБ. КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК	
1.1. Ўқитувчи касбий фаолиятига қўйиладиган замонавий талаблар.....	5
1.2. Касбий компетентликни ривожлантириш омиллари.....	16
1.3. Ўқитувчи педагогик фаолиятида эргономик компетенция.....	27
II.БОБ. КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ	
2.1. Ўқитувчининг креативлик компетентлигини ошириш йўллари.....	45
2.2. Ўқувчиларда креативлик кўникмаларини шакллантириш масалалари.....	51
2.3. Эргономик ёндашув ўқитувчи креатив фаолиятни ривожлантириш омили сифатида.....	61
III.БОБ. ЭРГОНОМИК МАДАНИЯТ ВА МУНОСАБАТЛАР	
3.1. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг ўзига хослиги.....	86
3.2. Таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	96
3.3. Ўқитувчиларнинг эргономик маданиятни ривожлантириш технологияси ва тизими.....	99
ХУЛОСА	104
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	106

КИРИШ

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Луғавий жиҳатдан “қобилият”, мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” маъносини англатувчи компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, информაციон, креатив, эргономик, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади.

Меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган, кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади. Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур каби масалалар юзасидан ўқув қўлланмада сўз юритилади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Педагогларнинг ўз устларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга эргономик ёндаша олишлари қўл келади. Педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати эргономик ёндашув асосида шакллантирилиши, ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар ўқув қўлланмада қайд этилган. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқични осон ўзлаштириш имконини беради.

Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур. Ўз-ўзини ривожлантиришда педагогга мазкур ўқув қўлланмадан фойдаланиши тавсия этилади. Ўқув қўлланмада педагогнинг касбий компетентлиги ва маҳорати учун зарур бўлган компетентлик сифатлари ва ривожлантириш зарур бўлган сифат, билим, кўникма, малакалар аниқ ифодалаб берилган.

I.БОБ. КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

1.1.Ўқитувчи касбий фаолиятига қўйиладиган замонавий талаблар

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги давлат сиёсати умуминсоний кадрларни, халқнинг тарихий тажрибасини маданий ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини инобатга олиб, жамиятнинг истиқболдаги ривожланиш марраларини ҳисобга олган ҳолда юргизилади. Таълим-тарбия натижасида мамлакатимизда ақлий, интеллектуал жиҳатдан бой маънавий баркамол шахсларни шакллантириш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” Қонунини 5-моддасида “Тегишли маълумоти, касб-тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” деб эътироф этилган. XXI асрда ўқитувчидан кенг билимдонлик, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат, компетентлик ва ижодкорлик талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” Қонунида кўрсатилган барча талаблар келажак авлоднинг ақлий, интеллектуал, маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган экан, бунга аввало ўқитувчи касбига бўлган муносабатни туб жиҳатдан ўзгартириш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Ўқитувчи аввало жамиятнинг ёш авлод таълим тарбиясига қўйган ижтимоий буюртмасининг асосий ижрочисидир.

Республикаимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятига унинг педагогик компетентлигигага алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда замонавий ўқитувчи касбини самарали шакллантиришни босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом, хар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир.

Бугун педагогнинг маънавияти, мафкуравий эътиқоди юксак ахлоқий хусусиятларга эгаллиги ва ўқув жараёнини яхши билиши ва самарали бошқара олиши катта аҳамиятга эга. Инсон пайдо бўлибдики, тарбия жараёни мавжуд,

тарбия пайдо бўлган вақтдан бери педагогик фаолият узлуксиз давом этиб келмоқда.

Ўқитувчилик, тарбиячилик касби барча ижтимоий тузумларда шарафли ҳамда ўта масъулиятли, қийин ва мураккаб касб ҳисобланган. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топшириғини бажаради. Шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик, психологик талабларга жавоб бериши лозим. Ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқодли, ҳар томонлама ривожланган, илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти бор яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик- психологик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда аниқлай билиши, ўрганиши ва баҳолай олиши зарур.

Биринчидан, педагог жамиятнинг фуқароси сифатида ўз мавқеи ва фаол ўрнини ўқувчиларга намоёиш эта олиши лозим. Хусусан, унинг жамият ва ўз жамоасидаги ўрни, танлаган касби, ўқитаётган предмети бўйича чуқур билимга эга бўлиши, талаб ва қоидаларга амал қилиши, меъёр ва қонунларни ҳурмат қилиши лозим.

Иккинчидан, педагогнинг эътиқоди ва билимдонлиги унинг янги билимлар, ўзи танлаган соҳасидаги янгиликларга нисбатан қизиқишида инновацион фаолиятида намоён бўлади.

Учинчидан, эътиқодли ва билимдон педагог ўзига хос фикрлаш тарзи билан ажралиб тура олиши шарт. Чунки, ёшлар шундай ноёб, қайтарилмас, андозасиз фикрлаш шароитидагина мустақил фикрлашга ўрганадилар ва фанни бошқа фанлардан ажрата оладилар.

Бугунги педагогдан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилар экан. Унинг компетенциясининг ажралмас қисми билимдонлиги даражаси масаласи ҳам ўта муҳим. Булар қуйидагилар:

- Ижтимоий билимдонлик. Дарс мобайнида синф билан самарали ўзаро муомала шаклини ташкил эта олиш, ёшлар билан тил топтириш ва хавфсиз, қулай ва соғлом маънавий муҳитни ҳосил қила олиш қобилияти.

- Услубий билимдонлик. Барча билимларини, кўрган-кечирганларни ёшларга тушунарли, раво тилда етказа олиши, таълим технологияси ва методларидан бохабарлик қобилияти.

- Касбий билимдонлик. Ўз фанини ва предмети соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал билимларига эга бўла олиши, ўз устида ишлаш қобилияти.

Амалиётда энг обрўли, билимдон педагоглар биринчи навбатда инсоний билимдонлик соҳиблари бўлишади ва шундайларни ўқувчилар яхши қабул қилишади. Чунки замонавий ўқувчи кўплаб маълумотларга эга, унинг

психологияси, талаб таклифларини аниқ билиб тил топиша олган шахсгина педагогик жараёнда катта ютуқларга эришади.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий айтганидек, “Муаллимнинг мақсади мансаб учун кураш бўлмаслиги, билмаган илмларини айтмаслиги, ўзини кўрсатиш учун дарс бермаслиги, очкўзлик ва жохиллик қилиб, курук гап сотмасликлари, ғавғо кўтармасликлари лозим”. Алишер Навоий муаллимликни олижаноб ва фахрли касб деб ҳисоблайди. Шу сабабдан бўлса керак: Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранж ила, айламак бўлмас онинг ҳаққин адо минг ранж ила. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади, ўз ишининг натижаси билан мўжизалар яратади, ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади.

Ўқитувчининг қобилиятлари. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса ички ирсий биологик имкониятлар зарур. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи лозим:

1. Билиш қобилияти - бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални ипидан игнасигача билади, унга ниҳоятда қизиқади, илмий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда тўғри фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилияти. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши лозим. Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларни нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бўлган нарсаларнинг ўқувчиларга тушунилиши қийин ва мавҳум бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг шаклини алоҳида режалаштиради.

3. Кузатувчанлик қобилияти - ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчининг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фахмлаб олади. Ўқувчилар бундай ўқитувчи ҳақида: “Қарамаётганга ўхшайдию, ҳамма нарсани кўриб туради!”, “Ўқувчининг

хафа бўлганлигини ёки дарс тайёрламаётганлигини кўзидан билади!” - дейдилар.

4. Нутқ қобилияти-нутқ ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Ўқитувчининг нутқи дарсда хамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам, унинг нутқи хамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажралиб туради. Ўқитувчининг баёни ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилади, саволлар қўйиб, уларни аста-секин тўғри жавоб беришга ундайди, ўқувчининг диққатини кучайтиради ҳамда фикрини фаоллаштиради. (“Мана бу ерга алоҳида эътибор беринг!”, “Ўйлаб кўринг!” каби). Шунингдек, ўринли қочирик, хазил, енгилгина истехзо нутқни жонлантириб юборади ва уни ўқувчилар тез ўзлаштирадилар. Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффуз жихатдан эркин, ифодали, эмоционал бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Айрим ўқувчилар тез гапиришга, бошқалари секин гапиришга мойил бўладилар. Бироқ ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижа беришини ердан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик материални ўзлаштиришга халақит беради ва болаларни тез чарчатиб қўяди. Хаддан ташқари секин нутқ ланжлик ва зеркишга сабаб бўлади. Хаддан ташқари кескин ва бакироқ нутқ ўқувчиларнинг асабини бузади, тез толиқтириб қўяди. Ўқитувчининг заиф овози ёмон эшитилади. Нихоятда кўп такрорланадиган бир хилдаги имо-ишоралар ва ҳаракатлар кишининг ғашини келтиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти-биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутати. Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш - ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатга улгуриш хусусияти ҳосил бўлади. Дарс давомида кутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти-ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчиларнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи,

унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва хоказоларга), шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини хис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга етказа олиш кабиларга ҳам боғлиқ. Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини жуда хурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанлиги, лақмалиги, саводсизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти-болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлиги.

8. Келажакни кўра билиш қобилияти-ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий еттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига, одамга ишонч билан боғлиқдир.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти - ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - хажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этган бўлиши муҳимдир. Диққатни айтиб бер вақтда тақсимлаш қобилияти ўқитувчилик учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи материални баён қилиш мазмуни ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан кузатади, айтиб бер вақтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини хушёрлик билан кузатиб боради, интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят ўз хатти-ҳаракатларини ҳам кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи кўпинча материални баён қилишга берилиб кетиб, ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради; бордию ўқувчиларини диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикрини жамлай олмайди.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир қанча ижобий сифатларга - аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнасеварлик, камтарлик каби сифатларга ҳам эга бўлиши керак.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати - бу ўқув жараёнининг барча шакллари энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, ўқувчиларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, ўқувчиларда дунёқараш, қобилиятни шакллантириш, уларда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотишдир. Педагогик мақсаднинг ўзига ҳослигини қуйидагиларда билиш мумкин:

1. Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятининг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетмакетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлодга ўтказди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

2. Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўллари аниқ тасаввур қилиши ва бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга аңлата олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: “Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни махлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади”.

3. Педагогик (таълим-тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни аңлаган ҳолда, моҳир педагоглар ўз фаолиятининг мантиқини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойихалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат. Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига ҳослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла аңлаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларининг “ўсиб”, унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;

- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижодий ёндошиши;

- ўқувчилар қизиқишларини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айланттириш.

Педагогик фаолиятнинг ўзига ҳослиги қуйидагиларда намоён бўлади.

1. Инсон табиатнинг жонсиз моддаси эмас, балки ўзининг алоҳида хусусиятлари, рўй бераётган воқеаларни идрок қилиши ва уларга ўзича баҳо берадиган такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий ҳулққа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир.

2. Педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндошишда бир хил қолип, шаклланиб қолган хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қилади.

3. Ўқувчиларга педагогдан ташқари, атроф муҳит, ота-она, бошқа фан ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам педагог меҳнати бир вақтнинг ўзида жамики

таъсирларга ва ўқувчиларнинг ўзида пайдо бўлган фикрларга тузатишлар киритиб боришни назарда тутди.

Ўқувчи шахсига доимо ижобий-ахлоқий таъсир кўрсата оладиган кишигина хақиқий тарбиячидир. Бунга эришиш учун педагог ўзининг ахлоқий сифатларини доимо такомиллаштириб бориши зарур. Ўқувчиларни меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш каби фаолият турларида иштирок этишлари тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Хар бир мохир педагог ўзининг индивидуал педагогик тизимига эга бўлиши керак. Айрим педагоглар касбий маҳорат сирларини эгаллаш учун, аввало, таълим-тарбия методларини такомиллаштиришга интиладилар. Бу табиий хол, чунки айнан методлар ёрдамида педагог ўз ўқувчиларини турли ўқув фаолиятига жалб қилади. Шу билан бирга ўқувчиларни билим олишга қизиқтиришда ўқитувчи томонидан танланган методлар, усуллар ва топшириқлардан бошқа сабаблар ҳам таъсир этади. Педагог фаолиятининг муваффақиятли кечиши унинг шахси, характери, ўқувчилар билан муомаласига ҳам кўп жихатдан боғлиқ бўлади. Одатда буларнинг таълим-тарбия жараёнига таъсири ахамиятсиздек туюлади. Аммо тажрибали педагог, унинг хатти-харакати ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатаётганлигига ахамият бериб, унга керакли тузатишлар киритиб, такомиллаштириб боради. Шунинг учун ҳам педагогик маҳоратни ўқитувчи шахси сифатларини мажмуи сифатида қаралиб, уни ўқитувчи юқори даражада психологик педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан боғлиқ бўлишини унутмаслик лозим.

Педагогик маҳорат яхлит тизим сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

1. Педагог шахсини инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсад-баркамол авлод тарбиялаб этиштиришга йўналтирилганлиги;

2. Мутахассислик фанлари, ўқитиш методикаси, педагогика психологиядан мукамал билимга эга бўлиш;

3. Педагогик қобилиятга эга бўлиш (мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш (юзидан ўқиб олиш));

4. Педагогик техникани эгаллаш, яъни ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни удалаш. Педагогик маҳорат ўзига болалар хақидаги, уларнинг психологияси тўғрисидаги, мактаб хақидаги, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари хақидаги кенг билимларни қамраб олади.

Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади, ўқитувчи, тарбиячи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт ўз ишининг чинакам устаси

бўла олмайди, ёмон, эски усулдан, бир қолипдаги тайёр андозаларни ишлатишдан нарига ўтмайди. Бироқ, замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди-махсус билимлар ва малакалар-болаларни кузатиш, уларнинг ўсишдаги муҳим нарсаларни аниқлай олиш, уларни ривожлантириш йўллари ва усуллари аниқлаш, турли ўзаро таъсирини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жихатдан бир тизимга солиш малакалари зарур бўлади.

Шундай қилиб, педагог-муаллим ўз махоратига қуйидаги босқичларда эришиши мумкин:

1. Педагогика-психология фанларини чуқур ўрганиш.
2. Махсус фанлар, уларни ўқитилиш методикасини чуқур билиш.
3. Педагогик амалиётда фаол иштирок этиш ва уни самарали ўтказиш.
4. Ўз фаолиятини доимо таҳлил қилиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш.
5. Ўз устида мустақил ишлаш, малака ошириш курсларида ўқиб бориш.

“Таълим соҳасида ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари ўзлаштириш бугунги куннинг тараққиёт даражасини белгилаб беради. Бунда илғор тажрибаларни нафақат мактаб, лицей ва коллеж, олий ўқув юртлири, балки ҳар бир оила ҳаётига кириб бориши учун замин яратишнинг аҳамиятини чуқур англаш лозим”[32].

Мураккаб, машаққатли, кутилмаган ҳолатларга бой, аммо жамиятнинг зарурий эҳтиёжи ҳисобланган таълим-тарбия тизимини янгилаш кўриниш ва янгилаш мазмунда амалга ошириш, дарс жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларни самарали қўллаш орқали таълим самарадорлигига эришиш давр талабидир. Ўқитувчи ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлишини таъминлашда асосан педагог кадрлар салоҳияти ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Демак, жамиятдаги барча янгилашниларни уйғунлаштириш учун шахсий етуқлик билан бирга касбий компетентлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш, дарс ва таълим жараёнини янада сифатли ташкил этиш:

Биринчидан, тизимда юқори малакали педагоглар кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини узлуксиз ва сифатли равишда ошириб боришга;

Иккинчидан, таълим муассасаларида ўқитувчилар касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларига асосланган узлуксиз сифатли методик хизматни ташкил этишга;

Учинчидан, мавжуд фан хоналари, ўқув лаборатория асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва компьютер техникасидан, умуман олганда, барча шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга;

Тўртинчидан, сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда, олий таълим муассасалари, малака ошириш марказлари ва умумтаълим мактаблари ҳамкорлигида илғор иш тажрибаларини амалиётга жорий этишга;

Энг асосийси, Халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ва маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Замонавий ўқитувчи ўзининг билим, кўникма ва малакаларини амалиётда, яъни таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда самарали қўллай олиши - касбий компетентлигининг энг асосий компонентиدير. Жумладан,

– Дунё ва мамлакатда таълим тараққиёти босқичларини билиши, халқ таълими тизимида ўқув-тарбия жараёни мазмунини таъминлашга, узвийлик ва узлуксизлигига амал қилиш;

– Компьютер, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва педагогик фаолиятида қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш;

– Ўқувчиларнинг рухий, жисмоний ривожланиши ва ёш хусусиятлари қонуниятларини билиши, таълим-тарбияда педагогик-психологик ёндашувга асосланиш;

– Ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда дарснинг аниқ босқичи учун самарали замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда методларни тўғри танлаш ва қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш;

– Ўқув-тарбия ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида болалар ҳаёти ва соғлиги, техник ҳамда ахборот ҳавфсизлигини таъминлашга тайёр бўлиш;

– Дарс жараёнида таълим ресурслари ва медиаресурслар ҳамда электрон тармоқ имкониятларидан самарали фойдаланиш шунингдек қулайлик, ҳавфсизлик меъёрларига амал қилиш;

- Ўқитувчилар умумтаълим фанларини ўқитишда дарснинг мазмунига маданият ва ҳавфсизлик, ҳавфсиз ва қулай таълим муҳитини ташкил этиш тушунчаларини сингдириб бориши, уларга ахборот технологияларининг чексиз ижобий имкониялари, афзалликлари билан бир қаторда салбий таъсири ва оқибатларидан ўзини ҳимоялаш йўлларини ҳам ўргатиш лозим. Бунда ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

– Ўқувчиларда ахборот технологияларининг ҳаёт ва жамиятдаги роли, имкониятлари ва қўллаш доираси, шунингдек, унинг салбий оқибатлари ва улардан ҳимояланиш ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш;

– Таълим олиш ва шахс сифатида ривожланиш жараёнида таълим ресурслари, электрон ресурслар, ўқув дастурлари ва бошқа ўқув-методик маҳсулотларнинг афзалликларини англаш ва қўллашни ўргатиш;

– Масофадан маълумот алмашиш локал ва глобал тармоқда маълумот кидиришни ва бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган хавф-ҳатардан сақланиш ҳамда медиамаданият қоидаларига риоя қилиш.

Ёшларимизда янги замонга мос ҳаётий мўлжалларини белгилашда чалғимаслик, ахборот маконида ўзларига керакли манзилни ақл-идрок, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик билан топиш, ватан тараққиёти ва юрт фаравонлигига ўз ҳиссасини қўшиш каби фазилатларни тарбиялаш биз педагогларнинг бурчимиздир.

Таълим жараёнларини ташкил қилишда компетенцияга асосланган ёндашув(қобилият ва тайёрлик) ётади. Таълим мазмунини аниқлаш ва режалаштиришда касбий компетенция, қобилиятларини аниқлаш касбий муаммоларни ҳал қилишга қодир мутахассис қуйидагиларни билиши зарурлигини назарда тутилади:

- таҳлил қилиш, талқин қилиш ва қўллаш қобилияти, педагогик тушунчалар ва назариялар;

- ўз кадриятлар тизимида ўзини акс эттириш қобилияти;

- назария ва амалиётни бирлаштириш қобилияти (яъни, фаолият) компетентликни намоён қилиши мумкин бўлган ёндашув;

- ўқитувчининг натижаларини баҳолаш қобилияти субъект-субъектнинг ўзаро таъсирининг оралиқ босқичлари;

- жамоада ва гуруҳда ишлаш қобилияти;

- мос келадиган дарсдан ташқари компетенцияларнинг мавжудлиги таълимдаги замонавий ижтимоий натижалар.

Маълумки, инсоннинг ўзини ўзи белгилаш самараси унинг танлови билан белгиланади. Кадриятлар бир хил детерминантлардир индивидуал ва жамоавий танлов, истиқболни аниқлаш ҳам шахснинг ҳам бутун жамиятнинг ривожланишини таъминлайди. Кадриятларни танлаш шароитида, касбий компетенция тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий муҳитда ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш жамият ҳаёти ва педагогика фанида янги

натижаларни беради. Ўқитувчи ҳаётнинг гуманистик кадриятларини аниқлаб муаммоларни ҳал қила олган тақдирда нафақат шахсий ва корпоратив асосланган касбий вазифалар, касбий қизиқишлар ва мойилликлар, тажриба ва устуворликлар, шунингдек муваффақият кафолатланади, чунки у шунчаки диққат билан чекланиб қолмасдан мактабда ҳар бир ўқувчининг шахсий қарашлари ва ҳаёт йўлини эътиборга олган ҳолда мавжуд қарама-қаршилиқни бартараф этиш, касбий ва педагогик компетенцияни, таълимдаги маданиятни, кадриятларни, касбий маҳоратни ўзлаштиради. Бундай ёндашув замонавий ўқитувчи фаолиятнинг қиёсий таҳлили функцияларини аниқлаш учун имконият яратди.

Ўқитувчиларда касбий компетенцияни шакилланишини таъминлаш учун таълим тарбия жараёнларида қуйидаги кўникмалар ва малакаларни шакилланишига жиддий эътибор қаратилиши керак бўлади, хусусан:

1. Ўқитувчиларнинг фаолиятлари жараёнида ривожланишлари диагностикасини кузатиш; уларнинг ўзгаришларга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш.

2. Таълимнинг мақсадларига эришишга йўналтирилган келгусида инновацион ривожланишни таъминлайдиган фаолиятни тўғри ташкил этилганлигини ўрганиш.

3. Таълим жараёни барча субъектлари билан самарали ўзаро алоқаларни ўрнатилганлиги.

4. Қулай ва хавфсиз таълим муҳитини яратилганлиги, ўзгаришларни ҳисобга олиниши.

5. Шахсий касбий ривожланишни тизимли равишда лойиҳалаштириш, шунингдек ўзини ўзи тарбиялаш ишларини ташкил этилиши.

Ўқитувчиларнинг амалиётида ушбу компонентлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки мавжуд илмий манбалар бундан далолат беради. Масалан, замонавий педагогик жараёнларда юқори малакали ва ташаббускор ўқитувчиларнинг етишмаслигини ҳис қилиш таълим тизимининг барча даражаларида сезилмоқда. Ижтимоий ва касбий талабларнинг ўсиши, кадрлар етишмаслиги, барча даражадаги истеъдодли ва яхши билим, малака ва кўникмаларга эга ўқитувчиларнинг касбий соҳада таҳлил қилиш компетенцияларининг етарли эмаслиги самарали шаклларни излаш замонавий инновацияларга эҳтиёж туғдиради. Ушбу ўзгаришлар турли хил ечимлар топишни тақозо этади, ўқитувчиларни касбий компетенцияларини

Ўқув жараёнларида шакиллантириш муаммолари ечимини топишнинг долзарблигини англатади.

1.2. Касбий компетентликни ривожлантириш омиллари.

Касбий компетенция ва компетентлик соҳасидаги тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, талаблар, таълим жараёнининг шаклланиши келажакдаги касб фаолияти тўғрисида шахснинг ғоялари ва шахсий-касбий фазилатларини шакиллантириш зарурлигини англаш ҳамда ташкилий тадбирлар зарурлигини билдиради. Ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашни ўқув жараёнларида шакиллантириш муаммоларини ҳал этиш уларни ўқитиш жараёнининг келажакка йўналтирилганлиги билан белгиланади, келажакда самарали фаолият учун ўқитувчи:

- вақт харажатларини камайтириш ва "ўқувчилар билан ишлашда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш";
- таълимнинг аниқ вазифалари ва мақсадларига эътибор қаратиш;
- ўқувчиларнинг малакаси ва қобилиятини кенгайтиришга эътибор қаратиш;
- билимларни ўзлаштириш жараёнларини хавфсиз ва қулайлигини таъминлаш, ўқувчиларни баҳолашда ҳалоллик ва ошкоралик;
- турли хил инновацияларни таълимга жорий қилишга интилиш, уларнинг таълим тизимидаги мавжуд ҳолатига қараб;
- стратегик маҳорат ва кўникмаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш таълимни режалаштириш;
- ўқувчиларни таълим жараёнида ўз фаолиятларини режалаштириш ишларига кўпроқ жалб қилиш, шахсий ва ташкилий ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг шахсий имкониятларини максимал даражада ҳисобга олиш;
- истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш, ҳар бир ўқувчида ўрта ва юқори истеъдод излаб топиш, уларнинг ушбу компетенцияларини кенгайтириш ва такомиллаштириш.

Ушбу нуқтаи назардан қараганда тақдим этилган компонентнинг аҳамияти ўқитувчиларнинг касбий компетенциялари шакилланиши ва

ривожланиши уларни амалиётида яъни педагогик фаолиятида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди.

Педагогик компетентлик – юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг таракқий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси ва касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушинилади.

Компетенция ва “компетентлик” атамалари ўзакдош бўлиб, улар Ғарб илмий адабиётида 60 йилларнинг охири, 70 йилларда пайдо бўлди. “Компетенция” атамаси миллий педагогикада XX асрнинг 90 йилларидан эътиборан ишлатила бошлаган. “Компетенция” атамаси “педагогик маданият”, “касбий лаёқатлилиқ”, “квалификация” атамалари билан маънодош ҳисобланиб келинди.

“Компетенция” – муайян муаммо ва масала, ходиса борасида шахснинг билим, тажриба, мутасаддиликка эга бўлишни ўзида ифода этади.

Илмий тадқиқотларда компетенция педагогик ходиса сифатида XX асрнинг 70 йилларидан эътиборан тадқиқ этила бошланди.

Америка тадқиқотчилари: Дж Равен, Л. Стросс, Дж. Моренолар фикрича, компетентлик – “ шахснинг ихтисослиги бўйича аниқ фаолиятни бажаришда зарур бўладиган қобилиятлар мажмуи, малакаларнинг намоён бўлиши, масъулият ҳиссининг мужассамлашуви натижасида пайдо бўладиган тафаккур тури ” деб тавсифладилар.

Рус олимлари: С.Т. Вершловский и Ю.Н. Кулюткин компетентликни шахс тавсифи бўйича ўрганган бўлсалар, В.Ю.Кричевский, А.В.Хуторский – шахс фаолиятидаги мақсадларни амалга ошириш кўрсаткичларини тадбиқ этадилар.

Академик В.А.Сластенин компетентликни – шахснинг коммуникативлик, мулоқатмандлик, конструктивлик, ташкилотчилик қобилиятлари мажмуи сифатида тадбиқ этди.

Шунингдек, мавзу доирасида яна бир қатор тадқиқотлар олиб борилган:

- фаолиятнинг умумий предмети ҳақидаги ғоялар (К.А.Абулханова Славская, Б. Г. Ананиев, А. В. Брушлинский, А. Л.Зхуравлев, И. А.Зимняя, В. С.Мерлин, А. Рубинштейн, В. А. Сластенин ва бошқалар);

- субъективлик тўғрисидаги ғоялар тузатувчи хусусият сифатида инсоннинг ижодий салоҳияти ва унинг борлигининг моҳиятини очиб бериш (К. А. Абулханова-Славская, О. А. Конопков, А. Н. Леонтиев, С.Л.Рубинштейн);

- малакавий, маданий, диалогик, шахс-фаолият ёндашувлари (Ю.К. Бабанский, Л.С.Вйгоцкий, Б.Г.Гершунский, В.В.Краевский, В. Ю.Кричевский, А. Н. Леонтиев, Л.М. Митина, А.А.Орлов, Н.Ф. Радионова, С. Селевко, А.П. Тряпицына, Т.И.Шамова, Б.Г.Шадриков ва бошқалар);

- педагогик дизайн ғоялари (В.Н.Виноградов, Э.С.Заирбек, И.А. Колесникова, В.А. Козырев, О.Г. Прикот, В.Э. Радионов);

- талабаларни ўзига хос хусусиятлар доирасида касбга тайёрлаш ғоялари малакага асосланган ёндашув (А.А. Андреева, А.В. Баранникова, Л.Н.Боголюбова, Э.Б.Володарская, Б.С.Гершунский, С.З.Гончарова, Э.Зеер, И.А.Зимней, В.Зйкина, И.Калиникова, З.М.Макашева, А.К. Маркова, Э. Сйманюка, Ю.Г.Татура, Й.Фролова).

Рус олимлари Л.Н.Захарова, В.В.Соколова, В.М.Соколовларнинг фикрича касбий компетенция остида амалий масалаларни самарали ечиш қобилиятини тушуниш ривожланаётган шахсни ижтимоийлаштириш, ички шароитларни таъминлаш, ривожланиши туфайли шахснинг жамиятга фаол қўшилиши кадрият йўналишлари, табиат, жамият, маънавий йўналиш одамлар тажрибаси, амалий кўникмаларни шакллантириш ижтимоий жиҳатдан керакли ёки ҳеч бўлмаганда мақбул бўлган фаолият ўзини англаш тавсия этилади[30]. И.А. Колесникова фикрича, дастлабки кўрсаткич касбий компетенция бу "инсонга бўлган муносабат, ўқитувчининг иши - бу "шахс - шахс" тизимидаги фаолият. Айнан шунинг учун шахсий-гуманистик йўналиш каби таркибий қисм, бугунги кунда касбий компетенция таркибида интегротив кўрсаткич сифатида тақдим этилган касбий ва шахсий хусусиятлардир. Ҳақиқий касбий таълим соҳаси ҳам мунтазам равишда идрок этиш қобилияти билан ажралиб туради педагогик жараён ва унда мунтазам равишда ҳаракат қилиш натижасида касбий компетенция шакилланиб ривожланиб боради[13].

Ўқитувчиларни педагогик жараёнларни бошқаришга тайёргарлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқсак таълим фаолияти биринчи навбатда долзарб бўлиб қолади, келажак ўқитувчисининг дунё билан диалогик алоқада бўлиш қобилияти дунё(ижтимоий-маданий контекст), бошқа одамлар(ўзаро таъсир) ва ўзи(маданият субъектига айланиш)нинг компетенциялар асосидаги касбий

шакилланганлик даражасини белгилайди. Педагогик фаолиятни ижтимоий-масъулият деб ҳисоблаш субъектлараро диалог, унинг давомида ахборот алмашинув ва ўқитувчининг субъектив соҳаларни бошқарув элементлари билан бойитиш ўқув жараёни мақсадига айланади. Ўқитувчининг таълим функцияларини амалга ошириш қобилияти бу ҳолда унинг ўзини-ўзи сифат жиҳатидан ўзгартиришга мойиллиги билан белгиланади. Касбий компетенция тузилмасида Н.Н.Лобанова тизимни шакллантирувчи таркибий қисм сифатида ечимни таъминлайдиган фазилатлар таъкидланган ижтимоий масъулият даражасида бошқариш вазифалари ва профессионал ҳамда шахсий компонентни ажратиб кўрсатади. Асосий компонент таркибида устознинг психологик-педагогик ва ижтимоий билимлари устувор ҳисобланади.

Рус олими А. В. Хуторский компетенция ва компетентлик тушунчаларини бир-биридан фарқ қилишини кўрсатиб берган. Биринчи тушунчага кўра, "маълум бир соҳада унинг самарали ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган талабани таълимга тайёрлаш учун бегоналаштирилган, олдиндан белгиланган ижтимоий талаб (меъёр)" деган маънони англатади деган фикри билдиради. Қуйидагилар билан тадқиқотчи "ўқувчининг маълум ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган соҳадаги фаолияти тажрибаси билан шартланган шахсий фазилатлари (кадриятлар йўналишлари, билимлари, кўникмалари, малакалари, қобилиятлари)"ни тушунади [85].

А.В.Хуторскийнинг таъкидлашича, "компетенция - бу шахсга тегишли компетенцияга эгалик қилиш сифати, бу ўзаро боғлиқ бўлган шахсий сифатлар (билимлари, қобилиятлари, кўникмалари, фаолият усуллари) объектлар ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан зарур бўлган тўпламни ўз ичига олади, уларга нисбатан юқори сифатли ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлади"[85].

Н.Л.Гончарова биров бошқача таърифни қуйидагича изоҳлайди: «компетенция бу оддий билим, кўникма ва малакаларнинг йиғиндиси эмас, бу биров бошқача семантик қатор тушунчасидир, энг умумий шаклда компетенция когнитив(билим), операцион(усулларни) бирлаштиради. Фаолият ва фаолиятни амалга оширишга тайёрлик ва аксиологик (маълум кадриятларнинг мавжудлиги) жиҳатлари»[13].

Шахснинг касбий салоҳияти, В.А. Адолфнинг сўзларига кўра, бугунги кунда касбий компетенциянинг янги таркибий қисмини "таълимнинг мақбуллиги, ўзгарувчанлиги ва муваффақиятини таъминлайдиган билимлар,

кўникмалар, хусусиятлар ва шахсият хусусиятлари мажмуасини ўз ичига олган мураккаб таълим" жараёни деб тўлдиради[1].

Э.Ф.Зеер педагогик фаолиятнинг турли қирраларини ўрганиб чиқиб, касбий шахсни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги педагогик компетенция турларини аниқлади: аниқлик билан фаолият, ижтимоий-коммуникатив, шахсий ва индивидуал[30].

Миллий педагогикада компетенция атамаси XX асрнинг 90 – йилларида пайдо бўлди.

Мамлакатимиз педагог олимлари: М . Очилов, Н.Сайидахмедовлар компетентликни шахснинг махсус фаолияти сифатида баҳолаб, ушбу фаолият натижасида шахс ижтимоий ва технологиялаштирилган қобилиятларни ўзида намоён этиши, меҳнатни тўғри тақсимлай олиш лаёқатини мужассамлаштира олиши эканлигини асослаб бердилар.

М.Очилов фикрича: “компетентлик – билим асосида, ишнинг кўзини билиб, фаолият юритишдир”, - деган фикрни билдиради.

У.Иноятов компетентликни – билим ва методларни вазиятга қараб мослаштириш қобилияти сифатида тадбиқ этади ва бу фаолиятда танқидий мушоҳада юритиш, тўғри қарор қабул қила олиш, сохта далилларни асосли равишда инкор этиш, самарали натижаларни амалиётда қўллай олиш қобилияти сифатида тавсифлайди.

Тадқиқотларда педагогик компетентликнинг ўзига хослиги, илмий – назарий асослари ҳақида А.С Белкин, В.И.Загвязинский, Н.Н. Лебедник, И.А.Зязюн, В.А. Кан-Калик, А.К.Маркова, Н.В. Юсуфбекова, Н.В. Кузмина, Н.Н.Азизходжаеваларнинг илмий изланишлари ўзига хос мазмунга эга.

Э.Ғозиев “компетенция” тушунчасини: “билим, кўникма, малака, қадрият, бошқа шахсий сифатлар, ижобий натижаларни фаолиятдаги кўриниши”, - деб таърифлайди. Демак, ўқитувчида компетенция кўринишлари умумий ва махсус тарзда намоён бўлади.

Н.Н. Азизходжаева ўз тадқиқотларида касбий педагогик билимлар, инсонпарварликка йўналганлик, педагогик техника, тажриба ва педагог шахсини педагогик маҳоратнинг асослари сифатида кўрсатиб, касбий – педагогик билимдонликка алоҳида эътибор қаратади. “Бу ҳислат, - дейди Н.Азизходжаева, - педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиш

конуниятлари ва йўналишларини тушуниш имкониятини таъминлайди, мақсадга мувофиқ режалаштиришни осонлаштиради”.

Н.Муслимов илмий адабиётлардаги барча фикрларни умумлаштириб, бугунги кунда компетентликнинг бир неча кўринишлари мавжуд, деган хулосани беради[44]:

1. Ижтимоий компетентлик - ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш. Шахсда кучли масъулият ҳиссининг мавжудлиги, жамоавий қарор қабул қилиш, ихтилофларни тинчлик йўли билан бартараф этиш, низолар ва зиддиятларнинг келиб чиқишини олдини олиш, жамиятдаги фаолият кўрсатаётган демократик институтларда қатнашиш қобилияти.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

б) методик компетентлик – педагогик жараёнида методик жихатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

в) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

г) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоён этиш олиш;

д) инновацион компетентлик – педагогик жараёнида такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг

самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

е) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4. Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5. Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Дарҳақиқат, ҳозирги таълим шароитида ўқитувчининг касбий педагогик билимдонлиги унинг касбий тайёргарлигини муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, ўз навбатида билимдонлик – ўқитувчи учун муҳим бўлган замонавий педагогик технологияларни ўзлаштиришни, яъни инновацион тайёргарликни талаб этади.

Жамиятда технологиялаштириш жараёни билан бирга пайдо бўлган компетенция кўринишлари ўзлаштириш. Турли ахборот ва инновацион технологиялардан хабардор бўлиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш олиш, оммавий ахборот воситалари(ОАВ), интернет тармоқларида такдим қилинаётган маълумотлар, роликлар, рекламаларни таҳлил қила олиш, уларга баҳо бериш ва танқидий ёндашиш, бутун умри давомида ўз билимларини кенгайтириши, касбий кўникма ва малакаларини оширишга бўлган иштиёқи, шахсий ва жамоадаги нуфузини ривожлантириб бориш учун ўқитувчидан мулоқотнинг оғзаки ва ёзма нутқ нормаларига риоя қилиш, коммуникативлик, мулоқатмандлик, кришимлилик, жамоада ўзга инсонлар билан ҳамкорлик алоқаларини ташкил қилиш, жамиятда ўзга тилларни ўрганиш ва шу асосда жаҳон фан ва маданияти, санъатидан хабардор бўлиш малакаларини такомиллаштириб бориши талаб этилади.

Ўқитувчиснинг шахси таълим муассасасида мавжуд бўлган педагогик шароитларда шакилланади ва ривожланади, яъни: касбий коммуникатив

шароитларда, шахсий фаолиятда, ўзини-ўзи ривожлантиришда. Бундан келиб чиқадики, келажакда нафақат педагогик, балки касбий компетенцияни шакллантиришга имкон берадиган энг қулай шарт-шароитларни яратиш керак, бу эса келажакда касбий ва шахсий ўзини ўзи ривожлантириш туфайли таълим фаолиятида энг яхши педагогик натижаларга эришишга имкон беради.

Педагогик компетенция, Л. М. Митинанинг фикрига кўра, бир неча жиҳатларни ўз ичига олади: "БКМ, фаолиятга татбиқ этиш усуллари, алоқа, ривожланиш, шахсий ўзини ривожлантириш"[21]. Маълумки, педагогик ва касбий компетенция бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва биргаликда муваффақиятли ривожланади. Олимлар томонидан олиб борилган кўплаб изланишлар, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини замонавий талаблар асосида тайёрлаш тизимли ва изчил жараён эканлиги, касбий ва педагогик компетенция - касбий компетенцияси таркибига қўшимчалар киритишни талаб қиладиган ҳақиқат эканлигини умумлаштиришга имкон беради. Ушбу таърифни батафсил ўрганиш учун биз ушбу концепцияни кўп қиррали ва мураккаб деб талқин қиладиган олимларнинг педагогик тадқиқотларига мурожаат қилдик. М. Мескон ушбу концепцияни "мақсадларни шакллантириш ва уларга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва назорат қилиш жараёни сифатида" талқин қилади [30]. В. И. Симонов "педагогик тизимларнинг ишлаш ва ривожланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув тамойиллари, усуллари, ташкилий шакллари ва технологик усулларининг комплексини" тушунади[21].

Ўқитувчининг касбий компетенцияси ўқув жараёнида шаклланиши керак, чунки бу инновацион таълим жараёнида муваффақиятли фаолият кўрсатиш, ўқувчиларни билимларни ўзлаштириш жараёнларини хавфсиз ва қулай шароитларда ташкил этиш учун зарур бўлган ички шахсий хусусиятлар мажмуасидир. Ўқитувчи фаолиятининг барча таркибий қисмларини амалга ошириш керак, чунки ўқитувчи педагогик, техник ва технологик, илмий, назарий ва ижтимоий-психологик тайёргарликка эга бўлиши керак. Ўқитувчида ушбу тайёргарликка мос компетенцияларни мавжудлиги нафақат ўқитиш ва таълим жараёнининг маҳоратли педагоги бўлишига, балки таълим сифатини таъминлашда шахсан самарали иштирок этишга имкон беради.

Юқорида зикр этилганлар ўқитувчи компетенциясининг умумий тузилишини ташкил этадиган талабаларнинг ўқув жараёнида муҳим

компетенцияларни шакллантириш зарурлигини тасдиқлайди: лойиҳаларни яратиш ва тақдим этиш, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш, мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва аниқлаш қобилияти тўғри қарор ва бошқалар. Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, аксарият таълим муассасалари ўқитувчиларида ушбу турдаги компетенциялар етарли даражада шаклланмаган. Шу сабабли, ўқитувчилар таълим муассасаси ўқув жараёнида касбий фаолиятнинг барча педагогик ва технологик турлари билан танишишлари керак. Шуни эсда тутиш керакки, ўқитувчининг касбий компетенцияси ўқувчилар билим олиш жараёнларини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга ва қуйидаги қўшимча компонентлар мажмуасини ўз ичига олади:

- когнитив компетенциялар (ўқитувчининг ахборот билан ишлаш, ахборот оқимларини бошқариш, ўқувчилар шахсий омилларини ривожланиш жараёнларини бошқариш қобилияти);

- таълим учун жараёнлар ва функцияларнинг бевосита таркибини ташкил этадиган масалаларни ҳал қилиш, стратегик қарорлар қабул қилиш, таълим муаммоларини ҳал қилиш учун таълим муассасасининг ташқи ва ички ресурсларини жалб қилиш учун зарур бўлган функционал(махсус) компетенциялар;

- шахсий компетенциялар, яъни ўқитувчининг ўз кучини тасарруф этиш қобилияти, субъектларда умумий вазифага эътиборни жалб қилиш ҳолатини яратиш, ижодий фаолликни сақлаб қолиш, ўқувчиларни билимларни ўзлаштириш жараёнларида кўмаклашиш, уларга ўқув материални репродуктив ва продуктив ўзлаштириш учун имконият бериш.

Ушбу муаммоларни ўрганиш ўқитувчининг компетенциясини муваффақиятли шакллантиришга ёрдам берадиган бир қатор педагогик шарт-шароитларни аниқлашга имкон берди: инновацион ва интерактив таълим технологияларини жорий этиш, шахсга йўналтирилган фаолиятга асосланган ёндашувлар, психологик ва ўқув жараёни субъектларининг педагогик ўзаро алоқаси, муаммоли вазиятларни яратиш ва талабаларнинг жамоада ёки жуфтликда репродуктив ва продуктив ишлаш қобилияти. Шуни таъкидлаш керакки, биргаликдаги тадбирлар, қоида тариқасида, мақсадни белгилаш, режалаштириш, башорат қилиш, акс эттириш ва бажарилган иш натижаларини баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Юқорида келтирилган педагогик шартларнинг амалга оширилишига фақат махсус ишлаб чиқилган таълим технологиялари кўмаги ёрдам беради.

Ушбу жиҳатнинг методологик асосини педагогик технологиялар назарияси ва мазмун ва муолажа жиҳатларининг дидактик бирлиги қонунийлигини технологик амалга ошириш ташкил этади. Ўқитувчи компетенцияси, бир қатор рус ва ўзбек олимларининг фикрига кўра, ўз тақдирини ўзи белгилаш, қарор қабул қилишда мустақиллик, ўқувчиларнинг когнитив ва тадқиқот фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мураккаб таълимдир.

Таълим муассасасидаги ўқув жараёни ўқитувчилар компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак, бу касбий фаолиятда асосий ва махсус компетенцияларни амалга оширишни англатади:

- олдиндан режалаштириш ва ишлаш натижаларини башорат қилиш қобилияти;
- етарли даражада юқори даражадаги илмий, назарий ва услубий билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг мавжудлиги;
- таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш қобилияти;
- таълим муассасаси ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион технологияларини жорий этилишини таъминлаш ва назорат қилиш қобилияти;
- ўқитувчининг шахсий фазилятларини ва касбий компетенцияларини ўз-ўзини такомиллаштириши;
- ўз-ўзини тарбиялаш, илмий ва услубий янгиликлардан хабардор бўлиш;
- педагогик фаолият натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, камчиликларни бартараф қилиш қобилияти.

Ўқитувчи компетенцияларини ривожлантириш тўғри ташкил этилган ўқув жараёни унинг касбий маҳоратини сезиларли даражада оширади. Амалиёт кўрсатганидек, бу жараён босқичма-босқич ва самарали давом этади.

Маълумки, ўқитувчиларда педагогик кўникмаларини ривожлантириш касбий компетенцияларини ривожланишига ёрдам беради. Шу сабабли, ушбу компетенцияни самарали ривожлантириш учун энг қулай педагогик шарт-шароитларни аниқлаш керак. Таълим жараёнида бевосита яратилган шароитлар энг муваффақиятли педагогик шартлар бўлиб, улар илгари

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йе, 2000 й.). Ғарбилик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгалликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Кўпгина ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилиятини мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Буни икки хил сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, аксарият ўқитувчилар ҳам аслида “креативлик” тушунчаси қандай маънони англатишини етарлича изоҳлай олмайдилар; иккинчидан, креативлик негизида бевосита қандай сифатлар акс этишидан беҳабарлар.

Айни ўринда шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир шахс табиатан креативлик қобилиятига эга. Хўш, ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилияти мавжудлигини қандай намоён эта олишлари мумкин. Бу ўринда Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади.

Ҳар томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаш* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир

неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Э.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгаллигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оригинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади.

Кўз олдингизга таълим жараёнини юксак маҳорат билан бошқараётган, уни ўзига хос ва қизиқарли тарзда жўшқинлик, завқу шавқ билан ташкил этаётган ўқитувчини келтиринг. У, гарчи, ўзини креатив шахс ёки ижодкор деб билмаса-да, бироқ, креативликни намоён этувчи таълим жараёнини ташкил этаётганидан, унга имкон берадиган метод, усулларни қўллаётганлигидан ўзи ҳам мамнун, қолаверса, талабаларнинг миннатдор бўлишларига эришмоқда. Ўқитувчи таълим жараёнида креатив метод, усуллардан қанча кўп фойдаланса, ўзига ва ўзининг ижодий, креатив имкониятларига нисбатан ишончи шунча ортади.

Шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш даврлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади.

Умумий педагогика назарияси ва амалиёти – ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантириш, унда дунёқараш ва юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини, турли даврларда бола тарбиясини ташкил этишга оид билимларнинг шаклланишини тадқиқ қилади.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёши болаларини тарбиялаш, уларга бошланғич билимларни бериш масалаларининг тадқиқи билан шуғулланади.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганади.

Педагогик маҳорат ва педагогик технология – бўлажак ўқитувчилар, тингловчиларда педагогик жараённи методик жиҳатдан тўғри, самарали ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини оқилона йўлга қўйиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш, таълим ва тарбия жараёнларини технологик ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни яратиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш масалаларини ўрганади.

Коррекцион (махсус) педагогика – имконияти чекланган кар-соқов (сурдопедагогика), кўр (тифлопедагогика), аклий жиҳатдан ривожланишда ортда қолган (олигофренопедагогика) болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиш) – турли ўқув фанлари (м: физика, математика, биология, кимё, тарих, ҳуқуқ, жисмоний тарбия ва ҳ.о.лар)ни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилади.

Касбий педагогика – турли (ижтимоий, техник, маданий-маиший, ишлаб чиқариш) йўналишларида тегишли соҳа (мас., қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар) бўйича касбий фаолиятни самарали йўлга қўйиш йўллари ўрганади.

Таълим менежменти – таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш масалаларини тадқиқ қилади.

Қиёсий педагогика – таълимнинг жаҳон, минтақа, давлат миқёсидаги ривожланишининг умумий ва алоҳида тенденциялари, қонунлари ва қонуниятларини ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганади, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатларини, миллий педагогик маданиятлар алмашинувининг шакл ва усулларини аниқлайди.

Педагогик инноватика – таълим субъектлари нуктаи назардан педагогик инновацияларнинг моҳияти, пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини ҳамда педагогик анъаналар билан келажак таълимнинг лойиҳалаштирилиши ўртасидаги алоқаларни ўрганадиган фан.

Педагогик эргономика – хавфсиз ва қулай таълим муҳитини ташкил этиш мақсадида ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнини инсон ва техника имкониятлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда

яратиш, татбиқ этиш, аниқлаш, ўқитувчи ва ўқувчи меҳнатини энгиллаштириш, руҳий зуриқиш ҳолатларини камайтириш, таълим тизими муаммоларини бартараф этишни ўрганадиган фан.

Ҳарбий педагогика – ҳарбий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини, уни ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситалари, илғор технологияларини, ҳарбий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш йўлларини очиб беради.

Ҳамкорлик педагогикаси – турли фанлар ёки мутахассислик асосларининг таълим берувчи ҳамда олувчилар ўртасидаги ўзаро мулоқот асосида самарали ўрганиш мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари ва воситаларини кўрсатиб беради.

Нейропедагогика – инсон миясининг ижодий имкониятларини аниқлаш ва амалий (функционал) ривожлантириш, шахсда фаолиятга нисбатан фаол, онгли муносабатни қарор топтириш, ижтимоий ҳулқ-атвори психологик коррекциялаш, болалар руҳий ривожланишни ташхислаш ва башоратлашнинг янги илмий дастурлари, самарали шакл ва методларини, шунингдек, янги турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тадқиқ этади.

Педагогик техника – нопедагогик ОТМ педагогларини педагогик маҳорат ва педагогик техника асослари билан таништириш орқали уларда таълим жараёнини сифатли, самарали ташкил этиш кўникма, малакаларини ривожлантириш масалаларини ўрганади.

Педагогик квалиметрия – таълим сифатини изчил назорат қилиш ва самарали бошқаришга оид муаммоларни тадқиқ этади.

Педагогик жараёнларнинг тизимли таҳлили – педагогларда таълим ва тарбия жараёнларининг моҳиятини яхлит тизим сифатида англаш, турли, шу жумлаан, муаммоли вазиятларни яхлит, изчил таҳлил қилиш малакаларини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этади.

Педагогик прогностика ва педагогиканинг истиқболли йўналишлари – мавжуд шароитда педагогик туркум фанларни сифатли ўқитиш, таълим ва тарбия жараёнларининг самарадорлигини ошириш муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини излаш, истиқболли йўналишларини белгилаш масалаларини таҳлил этади.

Педагогик жараённи бошқаришда қарорлар қабул қилиш – педагоглар томонидан таълим ва тарбия жараёнларининг изчил, тизимли, самарали бошқарилишини таъминлаш, мавжуд педагогик вазиятларда тизимли таҳлил асосида оқилона қарорлар қабул қилинишига эришиш масалаларини ўрганади.

Фалсафа – табиат, жамият ва тафаккур таракқиётининг умумий қонуниятларини ўрганади.

Эстетика асослари – нафис санъатни, бадиий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти, шаклларини, инсон ва ижтимоий борлиқ ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганади.

Психология – инсон фаолияти, шахс хатти-ҳаракатларида борлиқнинг акс этишини, рухий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларнинг моҳиятини ёритади.

Педагогика фани ривожини муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг ғояси, мазмуни, натижалари ҳисобига таъминланади. Педагогик илмий-тадқиқот методлар шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга бериш тамойиллари, объекти ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари дир. Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ва аниқ мақсад каби хусусиятларга эга жараён.

2.2. Ўқитувчиларда креативлик кўникмаларини шакллантириш масалалари.

Ўқитувчи меҳнати – бу бебаҳо изланиш, ижобий кечинмалар, қувонч, ўз фаолиятдан ҳосил қилишдир. Педагогик фаолияти инсон меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир.

Педагогик фаолият – педагогнинг таҳсил олувчиларга таълим ва тарбия бериш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ҳамда педагогик таъсир ўтказиш воситалари билан амалга ошириладиган касбий фаоллигидир. Ўқитувчи бу мазкур фаолиятнинг бир неча турларини бажаради: ўқитади, тарбиялайди, йўл-йўриқлар кўрсатади, ташкил қилади, тарғибот юргизади, мустақил билим олиш шуғулланади. Буларнинг ҳаммаси бевосита ки билвосита ўқитиш ва тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилади. Педагогик фаолият мобайнида мотивацион – мўлжалли босқич, вазиятни тушуниш босқичи намоён бўлади: мотивлар туғулади, фаолиятга рухий тайёргарлик вужудга келтирилади, мақсад ва вазифалар кўйилади ва ўзгартирилади, педагогнинг тарбияланувчилар рухий ривожланишига таъсир ўтказиши мувофиқлаштирилади, педагог ўз – ўзини таҳлил қилиш усуллари (диагностика, башорат, назорат) дан фойдаланилади, қўйилган вазифа ҳал этилади, йўл қўйилган педагогик нуқсонлар бартараф этилади.

Инсон фаолиятининг бошқа турлари каби педагогик фаолият ҳам ўз хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи: мақсад, объект, субъект ва воситалардан ташкил топади. Булар:

- **биринчидан**, педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий ўзвийлигини (кетма-кетлигини) таъминлайди, бир авлод тажрибасини иккинчи авлодга ўтказди, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллайди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

- **иккинчидан**, педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Унга эришиш осонликча кечмайди. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўллари аниқ тасаввур қилиши ва мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга аниқ олиши зарур.

- **учинчидан**, педагогик (таълим, тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккаб-педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Бу мақсадни ўқувчидан кўра педагог яққолроқ тасаввур қилади. Ўқувчи эса кўп ҳолларда, ҳаётий тажрибаси етишмаслиги сабабли ҳозирги ҳаёт, шу бугун ташвишлари билан яшайди, келажакни эса тўла тасаввур қила олмайди. Ўқитувчи фаолияти ижодкорона фаолиятдир. Тажрибаси ортиб борган сари педагог дастлабки тақдим қилган ўқув материалларидан кўнгли тўлмайди, янги-янги материалларни дарс жараёнида қўллашга ҳаракат қилади. Бунинг учун унда ижодийлик ҳиссий шаклланган бўлиши лозим. Ижодийлик ҳисси бўлса, педагог изланади, ўз устида ишлайди. Ўзини ҳиссий томондан тайёрлаш-ўқитувчида ижодийлик ҳиссини келтириб чиқаради.

Энг муҳими ўқитувчи ўзининг дарсдаги ҳиссий муносабатларини аниқлаб олиши лозим. Сўз орқали ўқув материали тақдим қилинаётганда ўқитувчи оҳангга, имо-ишора, юз ифодасига, бадиийликка эътибор бериши, фикрларнинг мантиқий ўзвийлигига риоя қилиши лозимдир. Ўқитувчи дарсга киришдан олдин ўзига кўрсатма бериши мақсадга мувофиқ. Масалан, ўқитувчи кўйидаги аутотренингдан фойдаланиши мумкун.

- Мен ижодкорман:
- Мен ишонч билан дарс ўта оламан:
- Ўқувчиларда ушбу, мавзу катта қизиқиш уйғотади:
- Дарсга жиддий тайёрланганман:

- Ўқувчилар фаолиятини ошириш менинг зиммамда:
- Ўқувчилар ва менинг кайфиятим яхши:
- Менга ўз касбим ёқади.

Албатта, ушбу кўрсатмалар ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланганлиги замирида айтилиши мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи коммуникатив мулоқотини маҳсулдор бўлиши учун у педагогик таъсир кучининг тизимларини, унинг ҳар бир қисмини билиши зарур. Дарс жараёнида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ижтимоий-психологик таъсир хусусиятлари – коммуникатив, ижодий индивидуаллик асосида ташкил топади. Бунда мулоқот йўналишлари қўйидаги кўринишда бўлади:

- Ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга қизиқиш асосидаги мулоқот;
- Дўстона муносабатлар асосидаги мулоқот;
- Масофадан туриб мулоқотга киришиш;
- Қўрқитиш (қўрқув) асосидаги мулоқот;
- Ёлғон обрў-эътибор қозиниш учун ташкил қилинадиган мулоқот.

Биринчи йўналиш асосини педагогнинг юқори касб этикаси ташкил этади. Бу йўналиш ҳақида М.О.Киебель, И.П.Волков, В.Ф.Шаталов, М.Очиллов, О.Розиков каби олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, болалар билан бўладиган муносабат ва педагогик ҳиссиётлар мана шу йўналиши асосида шаклланади.

Иккинчи йўналиш – дўстона муносабатлар, ўқув-тарбиявий фаолиятга шаклланади. Дўстона муносабатлар мулоқотнинг бошқарилишини таъминлайди. Педагог бир томондан болалар учун яқин ўртоқ, иккинчи томондан биргаликдаги фаолият қатнашчиси бўлиши лозим.

Учинчи йўналиш, яъни масофадан туриб мулоқотга киришиш муҳим аҳамиятга эга. Педагог билан ўқувчи ўртасида маълум бир масофа бўлиши керак. Масофа жуда узоқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда расмиятчилик кўчайиб, ижодийлик муҳити шаклланмайди. Педагог масофани сақласа обрў-эътибори ортади.

Тўртинчи йўналиш – қўрқитиш асосидаги мулоқот бўлиб, бу услуб мулоқотнинг негатив шаклидир. Баъзи педагоглар ўқувчиларни қўрқитиш орқали мулоқотга бўладилар. Чунки уларда педагогик маҳорат яхши шаклланмаган бўлади. Бу ўзаро тушунишга тўсқинлик қилади.

Бешинчи йўналиш – сохта обрў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот бўлиб, баъзи ёш ўқитувчилар малакаси етарли бўлмаганлиги учун ёлғон ишлатадилар. Бундай усулни қўллайдиган педагогда умумий педагогик ва коммуникатив маданият етишмайди. Демак,

биринчи ва иккинчи йўналиш асосида мулоқотга киришиш – таълим ва тарбия жараёнининг самарали кечишига хизмат қилади.

Ўқитувчининг компетентлигини оширишда педагогик қобилиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Қобилият – шахснинг муайян фаолият турини муваффақиятли бажаришга бўлган лаёқат даражасини ифодалайдиган, турмуш жараёнида ҳосил қилинган индивидуал хусусиятлари йиғиндисиدير. Қобилиятнинг шаклланиши ва ривожланишида шахснинг тўғма истъедод нишонлари, яшаш шароити, таълим-тарбия, айниқса, унинг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Қобилият билим, кўникма ва малакаларга асосланади. Қобилиятнинг энг юқори даражаси талантдир.

Педагогик қобилият – қобилият турларидан бири бўлиб, ўқитувчининг соҳага оид лаёқатини, компетентлигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Педагогик қобилиятлар мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, бир қатор тузилмалардан иборатдир. Булар, дидактик, академик, перцептив, ташкилотчилик ва бошқа қобилиятлар турига ажратилади.

Дидактик қобилиятлар – бу болаларга ўқув материални аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиш уйғотиб уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлар. Дидактик қобилиятга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккаброғини соддароқ тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади.

Ўқитувчи ўқувчининг мустақил фикрлашини доимо рағбатлантириб, улар руҳиятини ҳисобга олади. Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани ўрганишлари лозимлигини тасаввур этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи эмпатияга мойил (хамдарт, ўзини ўқувчининг ўрнига қўя оладиган) бўлиб, тақдим қилинаётган ўқув материални идрок қилишда таҳсил олувчининг ёшини ҳам инобатга олишни билади, чунки катта ёшдагиларга аниқ ва равшан бўлган нарса кичик ёшдагиларга тушунарсиз ва мавҳум бўлиши мумкунлигини инобатга олади. Қобилиятли ўқитувчи ўқув материални баён этиш жараёнида ўқувчилар томонидан билим ўзлаштириш қандай кечаётганлигини қатор белгилар асосида аниқлайди ва зарурат туғулганда баён қилиш усулини ўзгартиради.

Академик қобилиятлар – математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига ҳос қобилиятлардир. Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат курс хажмидагина эмас, балки атрофлича кенг, чуқур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни

доимий равишда кўзатиб бориб, ўқув материални мутлақо эркин эгаллаб, тадқиқот ишларини олиб боради.

Перцептив қобилиятлар – психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг ички дунёсига кира билиш, уни тушуна билишидан иборат қобилиятдир. Қобилиятли ўқитувчи унга катта бўлмаган ташқи кўринишлар асосида ўқувчининг ички ҳолатидаги жуда арзимаган ўзгаришларни ҳам фаҳмлаб олади. Ўқувчиларнинг кайфияти, уларнинг дарсга тайёргарлик даражасини аниқлай олади.

Нутқ қобилияти – ўз туйғу ҳисларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан ифодалаб бериш қобилияти нутқ ёрдамида, шунингдек имо – ишоралар воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилиятидир.

Ўқитувчи нутқидаги равонлик, ўз фикрини аниқ ифода этиш ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир. Дарсда ўқитувчи нутқи ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Фикрлар ифодаси ўқувчилар учун аниқ, содда, равон. Тушунарли бўлиши шарт. Ўқитувчининг баёни ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилади. Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштириш ва диққатини жамлаш мақсадида муайян сўз ва иборалар қўллайди. Ўқитувчи узундан узоқ жумлалар, мураккаб сўз бирикмалари, қийин, тумтоқ ибораларини қўллашдан қочиши лозим. Ўринли юмор, хазил-мутойиба, енгилгина истехзо нутқи жонлаштирилади, бу нутқни ўқувчилар яхши қабул қиладилар.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, эмоционал – образли, талаффузи жиҳатидан эркин ифодали, ҳис – хаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Бир маромдаги чўзиқ, зериктирадиган нутқ ўқувчиларни тез чарчатади, уларни ланж, лоқайд қилиб, фанга бўлган қизиқиши сўнади. Ўқувчи ўзатилаётган ахборотни яхши қабул қилиши учун ўртача, жонли нутқ самарали натижа беради. Ҳаддан ташқари кескин ва баланд товушдаги нутқ ўқувчилар асабига тегади, уларни толиқтиради.

Ўқитувчи янги мавзунини тушунтираётган, ўқувчилар жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралаётган пайтда ҳам унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқаётганлиги билан ажралиб туриши лозим.

Ташкилотчилик қобилияти – ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, унда жамоани жипслаштира олиш ва ўз фаолиятини оқилона ташкил қила олиш қобилияти. Ушбу қобилият орқали ўқувчилар жамоасини жипслаштириш, улар ишига раҳбарлик қилиш, муҳим вазифаларни

бажаришда рухлантириш, таълим-тарбияни оқилона ташкил этиш назарда тутилади.

Ўқитувчи режа асосида таълим-тарбияни ташкил этиб, белгиланган вазифалар қай даражада бажарилганини назорат қилиши, вақтдан унумли фойдаланиб, уни оқилона тақсимлай олиши, ўқувчилар томонидан билимларини ўзлаштирилиши мониторинг қилиши педагогик жараёнини самарали кечишига замин яратади.

Педагог вазиятдан келиб чиқиб, дарс давомида ортиқча вақт сарфлаш ҳолати содир бўлиши мумкун, аммо тажрибади ўқитувчи бундай ҳолларда дарснинг режасини самарали ўзгартира олади.

Авторитар қобилият – ўқитувчининг ростгўйлик, иродавий уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлилиги каби иродавий хислатлари ҳамда қатор шахсий хислатларга, шу билан бирга, ўқувчиларнинг тарбиясидаги жавобгарликни ҳис этиш, маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олишга ишонч каби хислатларга ҳам боғлиқ.

Бунда ўқитувчи фанининг чуқур билимдони, дунёқараши кенг, мохир педагог сифатида ўқувчиларга бевосита рухий, эмоционал-иродавий тасир кўрсата олади. Ўқитувчи ўз обрўсини қатъиятлилиги, жонкуярлиги, ўз ишининг фидойиси, меҳрибонлиги, педагогик назокати, юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эгалиги билан ғам қозонади. Авторитар қобилиятлар ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир иродавий сифатлари (эрудиция, дадиллик, чидамлилик, одиллик, қатъийлик, талабчанлик, эмпатияга мойиллик ва бошқалар)га ҳам боғлиқ.

Коммуникативлик қобилияти – ўқувчилар билан тўғри мулоқотни уюштириш педагог мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлаш, педагогик назокатга амал қилиш, теварак-атрофдагилар билан мулоқотга киришувчанлик, ширинсўҳанлик, тўғри муомила қила билиш, болалар қалбига йўл топиб, уларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нутқтан назардан жуда самарали ўзаро муносабат ўрната билишдир. Педагогик назокат ва коммуникатив қобилиятга эга бўлмаган ўқитувчи болалар қалбига йўл топиши ўта мушкуллар.

Ўқитувчи ўқувчиларга бирон-бир нарсани ўргата олиши учун улар билан муносабга киришиши шарт.

Муносабат – инсонлар ўртасидаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган кўп қиррали жараён бўлиб, ахборот алмашинунини таъминлайди. Муносабат нутқ, имо-ишора, жест, мимика, хатти-ҳаракат ва ҳ.к. лар асосида амалга оширилади.

Муносабатга киришувчилар бир-бирини идрок эта олишлари тақозо этилади. Ягона муносабат жараёнида: коммуникатив (ахборот узатиш),

интерактив (хамкорликдаги харакат) ва перцептив (хамкорликда идрок этиш) жиҳатларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Киши биргаликда фаолият кўрсатаётганда заруриятга кўра бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан муамилага кириши, яъни алоқа ва жавоб тариқасида ахборот бериши лозим. Мулоқот мобайнида тил алоқа вазифасини бажаради.

Коммуникация – ижтимоий маънога эга бўлган тушунчалар. Коммуникация инсон тафаккурида пайдо бўлган тушунча, ахборотни бошқа инсонларга етказиб беришидир. Ахборот ўзатаётган шахс-коммуникатор, ахборотларни қабул қилаётган киши рециет деб аталади.

Ўқитувчининг таҳсил олувчилар кўнглига йўл топиши унинг мулоқотга киришувчанлигига боғлиқ. Шахснинг коммуникатив қобилиятларини ҳосил қилувчи хусусиятлар орасида етакчи ва ёрдамчи вазифаларни ўтайдиганлари мавжуд. Биринчи навбатда перцептив, яъни идрок қилишга ҳамиша таъллуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳими кузатувчанликдир) етакчи ўрин эгаллайди. Барча инсонлар коммуникация жараёнида иштирок этишади, аммо улардаги ҳаётий тажриба, билим, кўникма ва малакалар турлича бўлганлиги боис, уларнинг мулоқотга киришувчанлиги ҳам турлича бўлиши кузатилади. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти, унинг маҳоратли эканлигидан далолат беради.

Педагогик назокат – ўқувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усулларини топа билиш, тарбиявий таъсирини қўллашда мақсадга мувофиқ педагогик чораларга эътибор бериш, аниқ педагогик вазифаларни, ўқувчи шахсининг психологик хусусиятлари ва унинг имкониятлари ҳамда мазкур тарбиявий ҳолатларни ҳисобга олиш жараёни.

Диққатни тақсимлай олиш қобилияти – ушбу қобилият бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи фаолиятида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи томонидан диққатнинг барча таркибий тузилмалари ҳажми, узоқ ва муддатлилиги, кучи, кучувчанлигини идора қилиш ва педагогик фаолиятнинг бир қанча турлари ўртасида тақсимланади. Тажрибали ўқитувчи ўқув материални тақдим қилар экан, дарс мақсади, мазмуни, шакли, вақт тақсимланиши, ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш даражасини эътибордан четда қолдирмайди ва пайтда уларнинг машғулот мобайнидаги руҳий ҳолати (толиқиш, лоқайдлик, эътиборсизлик, тушкунлик аломатлари)ни хушёрлик билан кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи айрим ҳолларда ўқув материални баён қилишга берилиб, ўқувчиларнинг дарсдаги ҳолати (интизоми, руҳиятини диққат-эътиборидан четда қолдиради).

Педагогнинг эрудицияси (иродаси, сабр – тоқат, ўқувчиларга ибрат, намуна бўла олиш) қобилияти – ўқитувчи ўқувчиларнинг ўз шахсий

намунаси, хулқ-атвори билан ҳам тарбиялайди. Болалар учун ўқитувчининг ҳар бир хатти-ҳаракати намунадир. Бу ҳолат ўқитувчидан ўқувчиларга нисбатан жуда зийрак муносабатда бўлишини талаб этади. Ўқитувчи ўзи ўқитадиган фанни мукамал билиши, сабр-тоқатли, иродали бўлиши, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга, инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, назокатли, қатъиятли, жонкуяр, меҳнатсевар ва камтар бўлиши лозим.

Ўқитувчи педагогик жараёнда учрайдиган турли қийинчиликларни бартараф этишга, белгиланган мақсадга эришишида ирода кучини кўрсата олиши шарт. Белгиланган педагогик вазифаларни охирига етказиш, унинг назорати, изчиллигини кузатиб бориш ва таълим-тарбия жараёнининг самарали кечишини таъминлашда барча куч-ғайратини сафарбар этиш ўқитувчининг иродавий ҳаракатларини тавсифлайди. Ўқитувчида қатъиятлилик, талабчанлик, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиш, дадиллик каби иродавий сифатлар мужассам бўлиши лозим.

Ишонтира олиш қобилияти – муайян мавзу юзасидан бирор фикр ёки хулосани мантиқий асослаш, ижтимоий фикр туғдиришдир. Ишонтириш асосида педагог ўқувчилар, синф, гуруҳ жамоаси, ота-оналар онгига таъсир қилади ва уларни шу асосда фаолият кўрсатишга унлайди.

Сўз билан ишонтириш энг қийин тарбиявий воситалардан биридир. Бунинг учун педагог етарли даражадаги салоҳиятга, бой тажриба ва чуқур дунёвий, илмий, керак бўлса, диний билимларга эга бўлиши лозим. Бунда тингловчилар фикрини ўзгартира оладиган мантиқ ёки суҳбат оҳангига танлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчининг нутқи ўзининг мазмундорлиги, таъсирчанлиги, ўзига жалб этиш қувватини мужассам этганлиги, гўзал ва таъсирчан нутқ матнини туза билиш, тил бойликлари ва бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланиши шарт.

Дадиллик билан бир қаторда қатъийлик ҳам ишни муваффақиятли амалга оширишини таъминловчи муҳим сифатдир. Ўқитувчининг иродавий сифатларидан бири-ҳар қандай педагогик шароитда ўзини тута билишидир.

Ўқитувчи компетенциясини ривожлантириш – ўқитувчини педагогик қобилиятларининг нақадар кенг шаклланганлигида ўз аксини топади.

Ўқитувчи компетенцияси таълим-тарбия жараёнидаги зиддиятларни оқилона ҳал қилишга ундайди. Маълумни, зиддият (конфликт)-(лт.сонфлистух-қарама-қаршилик)-томонларнинг ёки ҳамкорликдаги субъектларнинг қарама-қарши йўналишидаги манфаатлари, мақсадлари, позициялари, фикр ва қарашлари тўқнашувидир. Зиддият ҳар доим ҳам юзага келган зиддиятларни ҳал этишнинг самарали усули бўлиб ҳисобланмайди, чунки зиддият жараёнида пайдо бўладиган кучли эмоциялар оқибатида

тафаккур жараёнлари секинлашади, унинг доираси тораяди, психиканинг энг содда қатламлари (инстинктлар, импульсив хатти-харакатлар) ишга тушади. Аммо, ақлий мулоҳаза зиддиятларни ҳал қилишнинг ягонна йўли зиддиятга кириш эканлигини тақозо этса, бу жараёндаги ташаббускорликни ўз кўлингизга олишингиз лозим. Чунки зиддиятга онгли тарзда кириш орқали уни бошқариш мумкин. Шунини эсда тутиш лозимки, доимий тарзда зиддиятга кириш соғлиқ учун зарарлидир.

Зиддиятни қандай қилиб бошқариш мумкин? Бунинг учун кишидан ўз имоцияларини назорат қилиш, қалбаки сабаблардан ҳақиқий сабабларни ажратиб олиш, зиддиятни локаллаштириш, фақат ҳимояга диққатни қаратишдан қочиш, ташаббускорликни ўз кўлида ушлаб туриш талаб этилади.

Зиддиятни ҳал этишнинг тўртта йўли мавжуд: бўйсундириш, комиромисс, қочиш ва интеграция. Охирги йўл энг қийин, лекин уни амалга ошириш мумкин. Зиддиятчи вазиятлардан чиқишни билмаслик, ҳар қандай киши учун муомала жараёнида пайдо бўладиган кўплаб кундалик қийинчиликларни енгиб ўтиш, жисмоний ва психик соғлиққа путур етказувчи эмоционал стрессларга олиб келади. Бу ҳолат психологияда шахслараро “муомаладаги тўсиқлар”, деб аталади. Муомаладаги тўсиқлар – бу зиддиятлар пайдо бўлишига имкон яратувчи жуда кўп омиллардир. Бу тўсиқлар муомалага киришувчи шахсларнинг хоҳиш мақсадлари ва эҳтиёжлари бир-бирига мос келмаслиги оқибатида юзага келади.

Педагогик фаолиятга инсоннинг асабийлик ва жиззакиликка олиб келадиган омиллардан бири – бу ўз ишига қизиқишнинг сўниши ёки қизиқишининг умуман йўқлигидир. Ўз ишига нисбатан негатив муносабат инсонда салбий эмоцияларни, зўриқишни, агрессивликни келтириб чиқаради.

Қарама-қарши истаклар кураши тўсиғидан ташқари кўпинча характерлар номтаносиблиги тўсиғи ҳам муомала жараёнига салбий таъсир этади. Кўпинча, оилавий можаролар, қўшнилар, мактаб жамоасида ҳамкасблар ўртасидаги бир-бирини ёқтирмаслик ҳолати сабабини “характеримиз тўғри келмади”, деб тушунтиришади. 20-25 фоиз кишиларда характер ёки темпераментнинг маълум қирралари шундай кучли намоён бўлганлиги учун, муайян шароитларда муомала жараёнида зиддиятларга, асаб зўриқишларига олиб келиши мумкин. Шунини ёдда тутиш керакки, ҳар қандай кишининг ўз “нозик жойи”лари, ожиз томонлари бўладиган муомалада худди шу томонларни танқид остига олиш ярамайди.

Яна бир муаммо психоз хасталиги билан боғлиқдир. Неврознинг асосий сабаби – кучли эмоционал стресс, чиқиб кетиш мумкин бўлмайдиган психик жароҳатловчи вазиятлар. Амалда қисқа муддатли невроз ҳолати ҳаммадаям

бўлиши мумкин.неврозга дучор бўлган кишиларда зиддиятлар тез-тез юзага келади ва улар чуқурроқ ва оғирроқ кечади.

Ғам-қайғу оқибатида юзага келадиган тўсиқлар билан ҳар бир инсон тўқнаш келади. Қайғу инсон руҳиятини шу даражада занжирбанд этадики, кишининг бошқа одамларга диққат эътибо қаратишига умид қилмаса ҳам бўлади. Бу ҳолат фожиали воқеалар, ўз аҳволдан қониқмаслик, оғир жисмоний ҳис-туйғулар оқибатида юзага келади. Ҳар қандай вазиятда ҳам, инсон ғам-қайғусининг қай даражадалигидан қатъий назар, уни тинч қўйиши лозим. Азобланиш – доимий давом этмайди, вақт ҳамма нарсани даволайди.

Ғазаб туфайли пайдо бўладиган муаммоларни енгиб ўтиш жуда қийин, шунинг учун бундай пайтда кишининг сабр-тоқатини синаш керак эмас. Чунки ғазаб жисмоний ва психик энергияни икки барабар оширади ва сўзларда ёки агрессив хатти-харакатларда бу энергияни “тўкиб-солиш” эҳтиёжини пайдо қилади. Ҳалқимизда “жахл келганда, ақл кетади” деган мақол беҳудага айтилмайди. Шунинг учун, ғазабланганда, жahl чиққанда турган одам ўтириши, ўтирган одамга эса – ётиш лзимлиги маслаҳат берилади. Бу ўринда асосий эътибо – мускунларни бўшаштиришга қаратилиши керак.

Муаммолардан бири муомала техникаси ва кўникмаларини билмаслик билан боғлиқдир. Гохида муомала усулларидан ўз ғаразли мақсадларида фойдаланадиган шахслар учрайди. Бундай кишиларнинг хатти-харакатини аниқлашга ўрганиш учун “муомаладаги манипуляция”, “позиция”, “роль”, “ниқоб” каби тушунчалар маъносини ўзлаштириш талаб этилади.

Муомаладаги манипуляциянинг асосий мазмуни кўйидагилардир; манипуляциядан фойдаланувчи шахслар суҳбатдошининг асосланган айбловидан кутулиш мақсадида, ҳар қандай арзимас хатони “юзга солишади”, ўз айбини бошқага тўнкайдилар, иззат нафсга тегувчи гаплар билан кишини мувозанатдан чиқаришга, у билан маълум вақтга алоқани узишга хараат қилишади, топшириқ ва мажбуриятларни бажаришдан қочиш мақсадида ўзини ёмон ҳис этаётганлигини баҳона қилишади.

Баъзи ҳолларда педагогик жараёнда турли зиддиятлар пайдо бўлади. Уларнинг келиб чиқишига кўйидагилар сабаб бўлади:

1. Оиласи нотинч, оилавий муносабатларда кескинликлар мавжуд бўлган болалар кўпинча синфда, гуруҳда, “жиззакилик” қилиб, арзимаган сабаблар туфайли ҳам тенгдошлари ва катталар билан муносабатлари кескинлашади, уларни одатда ўқитувчиларни “тарбияси оғир” деб таърифлайдилар.

2. Тарбиясида, камол топишида хатоликларга йўл қўйилган – инфантил, ўта эрка ёки инжиқ қилиб тарбияланганларда фанларни ўзлаштиришда

билимлар билан тизимли шуғулланиш камчиликлар ҳам билимларни эгаллаш ва синф жамоасига киришиб кетишга тўсқинлик қилади.

3. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар ҳам дарслар ва берилаётган билимларни ўзлаштириши қийинлашгани ва мураккаблашиб бориши натижасида билимларнинг мазмуни ва маъносини эгаллашга қийналадилар, бу ҳолат уларда асабийликка, жанжалкашликка мойилликни кучайтиради. Чунки дарс улар учун машаққатли – иш бўлиб қолади.

4. Иқтидорли ўқувчилар. Улар маълум фан дастурида белгиланган билимларни тез ўзлаштириб олишлари оқибатида дарс давомида берилаётган билимлар даражасидан қониқмайдилар. Бу ҳолат эса ўқувчининг зерикашига, кўпинча синфдан ажралиб қолишига ҳамда ўқитувчи билан келиша олмаслигига олиб келади. Натижада улар ўқув жараёнида турли зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўладилар.

5. Болаларнинг бошқаларга тақлид қилиши натижасида юзага келадиган зиддиятлар. Ўсмирлик даврида “катталиқ ҳисси”ни туйиш, ўз-ўзини тан олдиришга интилиши натижасида ўзидан катталарга, кино актёрлари, асар қаҳрамонлари ва бошқа улар учун сеvimли қаҳрамонларга тақлид қилиб синф, гуруҳдаги тартиб-интизомни бузадилар, ахлоқ нормаларига риоя қилишни истамайдилар.

Педагогик жараёнда шундай ҳолатлар ҳам бўладика, унда зиддиятларнинг асосий сабабчиси ўқитувчи бўлиб қолади:

1. “Ўқитувчи -ўқувчи” муносабатларида ўқитувчининг бир томонлама-авторитар мулоқот шаклини қўллаши, бошқалар фикрини эшитмаслик;

2. Ўқувчиларга алоҳида ўқувчиларни ажратиб, уларга яхши муносабатда бўлиши, ўқитувчининг сеvimли ўқувчилари бўлиши.

3. Ўқувчиларга мустақиллик бермаслик, ўқитувчининг ҳамма нарсани ўзи айтганидек бўлишини талаб қилиши.

4. “Гунохкор” ўқувчиларнинг айбини ҳамманинг олдида айтиб, тенгдошлар олдида боланинг обрўсини тушириши.

5. Ўқувчиларнинг ёшини, мавқеини ҳисобга олмаслик.

6. Ўқувчиларнинг шахсини ҳурмат қилмаслик, қўполлик.

7. Болалар психологиясини тушунмаслик, уларга ўз шаклида ёрдам бермаслик.

8. Ўқитувчининг асабийлиги, жахлдорлиги ва бошқалар.

Ўқувчилар орасида ёки ўқитувчи-ўқувчи орасидаги зиддият икки киши билан чегараланиб қолмасдан атрофдагиларнинг кайфиятига ҳам салбий таъсир этади. Ўқитувчининг компетентлиги айнан мана шундай зиддиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишда катта аҳамият касб этади. Демак, ўқитувчи муайян муаммо туғилса, ушбу муаммони дарҳол ҳал

қилиши лозим. Педагогик компетенция ҳам ана шунда билинади. Ҳар бир педагог ўз тажрибасидан, услубидан келиб чиқиб, жамоада соғлом муҳитни шакллантириши ва унда ёрқин келажакка ишонч ҳиссини уйғота олиши лозим.

2.3. Эргономик ёндашув ўқитувчи креатив фаолиятни ривожлантириш омили сифатида

Педагогик эргономиканинг ролини ўрганиш бизни эргономик ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этишда тизимли шакллантирувчи омил бўлиши мумкин деган хулосалар чиқаришга имкон берди. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг соғлиғини сақлаш, таълим мазмуни, фаолият шакллари ва натижаларидан қониқиш ҳосил қилиш, таълим тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш каби муаммоларни бартараф этади. Эргономик ёндашув “инсон омилига” эътиборни қаратишдан иборат, бўлиб “жиҳозлар ва атроф-муҳитни ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг меҳнат жараёнларига тўлиқ мослаштириш”ни таъминлайди [21, 98-бет].

Эргономиканинг услубий асослари, тизимли ёндашувдир. Тизимларнинг ғоялари етакчи замонавий умумий илмий йўналишлардан бири сифатида эргономиканинг кўплаб дастлабки қарашлари ва назарий тамойилларини белгилайди. Улар орасида - одам-машина тизимларини яхлит кўриб чиқиш истаги, уларнинг тузилишини систематик динамик кўриниши, инсон фаолиятини илмий кўриб чиқиш предметига киритиш, тадқиқотнинг турли жиҳатларини синтез қилишга мойиллик, инсон фаолиятининг мумкин бўлган оқибатларини ўрганишни тақазо этади.

Моделлаштириш, лойиҳалаш, кузатиш, таҳлил қилиш, таълим жараёнининг самарадорлигини тизимли ёндашув нуқтаи назаридан баҳолаш педагогик эргономиканинг вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартидир.

Замонавий мактабдаги таълим жараёни ажралмас педагогик тизимдир. “Тизим - бу буюртма бериш, бирор нарсани маълум бир кетма-кетликда, маълум бир тартибда жойлаштириш”[65, 41-бет].

Тадқиқотнинг ушбу босқичида тизимли ёндашувнинг моҳиятини (В.Г. Афанасев, Л.Г. Шchedровицкий, Э.Г. Юдин ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда биз педагогик тизимларни ўрганишга таяндик(В.П. Беспалко, Н.В. Кузмина, Л. И. Новикова , ВПСимонов, ЛФСпирин ва бошқалар).

Тадқиқотимизда биз Н.В.Кузмина томонидан берилган “педагогик тизим” тушунчасидан фойдаланамиз. Н.В.Кузмина тизимни “ёш авлод ва катталарни ўқитиш, тарбиялаш ва ўқитиш мақсадларига бўйсунган ўзаро

боғлиқ таркибий ва функционал таркибий қисмлар тўплами” деб таърифлайди [20].

Ҳар бир тизим маълум бир тузилишга эга, яъни элементларнинг (объектларнинг) у ёки бу ўзаро боғлиқлиги, уларнинг ўзаро жойлашиши ва бир-бирига ўзаро таъсири.

Бир қатор тадқиқот ишларини умумлаштирилган таҳлили педагогик тизимнинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатишга имкон беради: мақсади, предмети, объекти, мазмуни, фаолият усуллари, натижаси. Ушбу компонентлар тизимли омиллар ёрдамида ўзаро боғлиқдир. В.П.Симонов олиб борган тадқиқот ишида ушбу алоқаларнинг табиати ўрганилган[65, 50-бет]. Биз педагогик тизимнинг таркибий қисмлари ва алоқаларини эргономик ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Педагогик тизим сифатида таълим жараёнининг мақсади ва мақсадга мувофиқлиги унинг асосий хусусияти, муҳим хусусияти ва таснифидир. Ҳар қандай педагогик тизим бу фаолият тизимидир, мақсадсиз фаолият бўлмайди.

Эргономик ёндашув нуқтаи назаридан таълим жараёнининг асосий вазибалари қуйидагича белгиланади:

- биринчидан, улар сарф қилинган кучлар, маблағ, вақтнинг мақбуллигини ҳисобга олган ҳолда фаолият натижаси сифатига ва кўзланган мақсадларга эришиш йўлларининг самарадорлигига талабларни белгилайди;
- иккинчидан, улар мактабнинг ахборот ва фан муҳитини ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилайдилар;
- учинчидан, улар ўқув қўлланмалари ва уларнинг мажмуаларини лойиҳалаш, яратиш, улардан фойдаланиш шартларини белгилайди;
- тўртинчидан, ахборотнинг миқдори ва сифати ва унинг асосий манбалари мақбуллик шarti нуқтаи назаридан аниқланади;
- бешинчидан, ноқулай функционал шароитларнинг олдини олиш ва ўқув жараёни субъектларининг соғлиғини сақлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

Эргономик ёндашув нуқтаи назаридан таълим жараёнининг мақсад ва вазибалари тизимни шакллантиришнинг муҳим омилдир.

Тизимни шакллантирувчи иккинчи омил - бу педагогик жараён субъектлари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олган ахборот-коммуникация. Ушбу омил, қоида тариқасида, шахсни, фаолият мотивациясини, субъектларнинг эҳтиёжларини, уларнинг ҳақиқий имкониятлари ва қобилиятларини тавсифлашда кўриб чиқилади. Педагогик жараён субъектларининг муносабати таниқли фаолият усуллари ва уни

амалга ошириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзаро фаолият шаклида намоён бўлади.

Тизимни шакллантирувчи учунчи омил - мазмун-ташкилий, муайян тамойиллар ва усуллар асосида амалга оширилади ва фаолиятнинг мазмуни ва фаолият усуллари каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Тўртинчи омил аналитик ва самарали ҳисобланади. У педагогик жараён субъектлари фаолияти натижаларининг аниқ мақсадларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.


Замонавий мактаб ўқув жараёнини ўрганишда бизга ушбу жараённинг эргономик моделини яратиш зарурлиги малум бўлди. Биз И.Я.Лернернинг: “Ҳар қандай илмий муаммо, ҳар қандай назарий тадқиқот фақат ушбу моделга нисбатан шаклланган модел шакллангандагина эчилиши мумкин” деган фикрига қўшилаемиз[41, 6-бет]. Модел яратиш ўз-ўзидан мақсад эмас. Модел ўрганилаётган объект ёки жараён ҳақида янги маълумотларни олиш учун керак.

Бир қатор тадқиқот муаллифлари сўзнинг кенг маъносида модел бу соддалаштирилган тасвир(схема), иккинчисини таҳлил қилиш учун қулай бўлган ҳодиса ёки жараён тавсифидир, деб ҳисоблашади[20].

Маълум моделларни таҳлил қилиб, педагогик эргономиканинг вазибаларини эътиборга олган ҳолда, таълим жараёни моделининг тузилиши куйидаги диаграмма шаклида тақдим этилган.

Диаграмма

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭРГОНОМИК ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МОДЕЛИ



Таклиф қилинган эргономик ёндашувни ўқув жараёнига тадбиқ этиш модели ўқитувчиларнинг креатив фаолиятни ривожлантиради, унга мувофиқ ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларини кўриб чиқамиз.

- Таълим жараёнининг вазифалари. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу педагогик тизимни, шу жумладан эргономик ёндашувга асосланган педагогик тизимни белгиловчи таркибий қисмларидан биридир. Мақсадлар ижтимоий тартибга, жамиятнинг фуқароларга таълим бериш талабларига боғлиқ бўлиб, шахснинг эҳтиёжлари билан конкретлаштирилади.

Замонавий жамият мактаб олдига қуйидагиларга қодир бўлган битирувчиларни тайёрлаш вазифасини қўяди:

- ўзгарувчан ҳаётий вазиятларга мослашувчан мослашиш, мустақил равишда зарур билимларни олиш, уни ҳаётда ўз ўрнини топа олиш учун юзага келадиган турли хил муаммоларни ҳал қилиш учун амалда моҳирлик билан қўллаш;

- мустақил равишда танқидий фикрлаш, ҳақиқатда юзага келадиган муаммоларни кўра билиш ва уларни замонавий технологиялар ёрдамида оқилона ҳал этиш йўлларини излаш;

- маълумот билан малакали ишлаш (маълум бир муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш учун фаразларни илгари суриш, зарур умумлаштириш, таққослаш, статистик қонуниятларни ўрнатиш, асосли хулосалар чиқариш ва ҳ.к.);

- мулоқотга киришиш, алоқада бўлиш, биргаликда ишлаш имкониятига эга бўлиш;

- ўз ахлоқини, интеллектини, маданий даражасини ривожлантириш бўйича мустақил ишлаш.

- ◆ Битирувчи модели. Ушбу компонент келажакдаги битирувчининг фаолияти, функциялари, билимлари, кўникмалари ва қобилиятларининг тахминий моделини ўз ичига олади. Модел жамиятни ривожлантириш истиқболлари, мумкин бўлган фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Битирувчининг анъанавий модели илм-фан, жамият ва маданиятнинг жадал ривожланиш жараёнини ҳисобга олган ҳолда ҳаётнинг эҳтимоллик типига моделига айлантирилиши керак. Битирувчи ҳар қандай ўзгарувчан ҳаётий вазиятда, агар керак бўлса, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда, касбни тез ўзгартиргунча тўғри ҳаракатлана олиши керак. Ушбу компонент таълим жараёнининг эргономик дизайни учун аниқ вазифа ролини ўйнайди.

- ◆ Таълим жараёнининг эргономик талаблари ва чекловлари - таркибий қисм талаблар мажмуини ўз ичига олади, улар орасида ахборот, конструктив, иқтисодий, физиологик, психологик, эстетикани ажратиш одатий ҳолдир, шунингдек, бўлиши керак бўлган чекловчи шартларни (кўрсаткичлар, параметрлар) ўз ичига олади. Ўқув жараёнининг эргономик дизайнида ҳисобга олинади. Чекловларнинг манбаи - бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар.

- ◆ Таълим жараёнининг мазмуни. Ушбу компонент стандартларни (илмий билимлар, кўникмалар, малакалар, дунёқараш, ахлоқий ва эстетик ғоялар тизимини, ижтимоий, когнитив ва ижодий тажриба элементларини белгилайдиган), ўқув режаларини, дастурларини, машғулотлар жадвалини ва бошқаларни камраб олади. Ўқув фанлар номенклатураси тўғрисида гувоҳлик беради; таълим маълумотларининг моҳияти, мазмуни ва сифати; таълим жараёнини ташкил этиш ва ушбу жараённи бошқариш шакллари ва усуллари ва бошқалар.

- ◆ Ўқитувчи педагогик жараённинг субъекти сифатида. Ушбу компонент таълим жараёнини (бошқарув тизимини), биринчи навбатда ўқитувчиларни шахсий ва касбий фазилатлари ва хусусиятлари, таълим даражаси ва малакалари, кадрларни касбий танлаш тизими, ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик малакаларига қўйиладиган талаблар билан тавсифлайди.

- ◆ Ўқувчи педагогик жараённинг субъекти сифатида. Ушбу компонент таълим жараёнини (бошқариладиган тизимни), биринчи навбатда ўқувчиларни шахсий ва ёш хусусиятлари, мотивацияси, маълумот ва меҳнат фаолияти учун қобилиятлари ва яроқлилиқ даражалари билан белгилайди.

◆ Ўқув воситалари. Ушбу таркибий қисм ўқув материалларини тақдим этиш ва қайта ишлашни, меҳнат ва ахборот фаолиятини механизациялаштиришни ва автоматлаштиришни, ўқув жараёни давомида ўқувчининг олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашни таъминлайдиган турли хил ўқув қўлланмаларини, шу жумладан техник воситаларни ўз ичига олади.

◆ Педагогик технологиялар ва педагогик жараёни ташкил қилишнинг бошқа усуллари. Ушбу компонент “талаба - ўқитувчи - восита - атроф-муҳит” қуйи тизимида долзарблаштирилган. Бу педагогик жараён субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини тавсифлайди, қачонки ўқитувчи ўқитувчиликдан ўқувчиларни билим олиш жараёнларини ташкил этувчи-бошқарувчи(машғулот ўтказувчи), технологга айланади ва ўқувчи ўқув жараёнининг ҳақиқатан ҳам фаол иштирокчисига айланади. Бундай ҳолда, педагогик технология “ўқувчи-ўқитувчи-восита-муҳит” кичик тизимининг ишлаш қонуниятларини билишга асосланган бўлиб, у қайси аниқ предметдан қатъи назар, ўқув жараёнини амалга оширишнинг умумий хусусиятлари ва қонуниятларига эга бўлиб улар ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнларини ташкил этишда қўлланилади.

◆ Ахборот-предмет муҳити (таълим жараёни эргономик шартлари). Ушбу компонент ўқитувчи ва ўқувчи ишлайдиган омиллар ва атроф-муҳит шароитларини ўз ичига олади: ўқув жараёнининг моддий омиллари ва шароитлари (синф хоналари, мебел жиҳозлари, интерер, микроиклимнинг физик, кимёвий, биологик омиллари), ижтимоий-психологик характердаги омиллар, ва бошқалар. Таълим муҳитининг омиллари “ўқитувчи-ўқувчи” қуйи тизимининг фаолиятига ҳам, “ўқитиш воситаси” қуйи тизимининг фаолиятига ҳам таъсир қилади. Таълим жараёнини ташкил этишда атроф-муҳитнинг ўрни, бизнинг фикримизча, энг аниқ ҳолатда В.С. Леднев томонидан қуйидагича ифодаланган: “Педагогиканинг аксиомаларидан бири шундаки, таълим жараёни жамиятнинг иқтисодий имкониятлари ва ахборот технологиялари даражаси билан чекланган, таълимнинг мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган махсус ташкил этилган дидактик (педагогик) муҳит мавжудлигини назарда тутати”[21, 34-бет].

◆ Битирувчи. Ушбу компонент маълум бир даражадаги таълимни тугатган, тўлақонли ҳаёт учун зарур бўлган аниқ билим, кўникма ва қобилиятларга эга бўлган битирувчи билан тавсифланади, компонент таркибига унинг мослашиш қобилияти ва компетентлигини кўрсатувчи битирувчининг ўзига хос хусусиятлари киради. Фаолиятнинг ўзига хос

шартлари, битирувчининг фаолиятини баҳолаш натижалари эргономик тизим сифатида қараладиган таълим жараёни сифатидан далолат беради.

Тизимнинг барча таркибий қисмлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Компонентлардан бирининг ўзгариши муқаррар равишда ҳар бир кейинги таркибий қисм ва умуман тизим ўзгаришини келтириб чиқаради. Масалан, таълим мақсадлари ўзгарганидан сўнг, ўқув материалининг мазмуни ўзгаради, бу эса ўқитишнинг янги воситалари ва усуллари талаб қилади. Шу билан бирга, янги воситалар ва технологиялар пайдо бўлиши, ўзлаштириш учун шунчаки эришиб бўлмайдиган саволларни таълим мазмунига киритиш учун шароит яратади[21, 38-бет].

Таклиф этилаётган эргономик моделнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, эргономик модел функционал маълумот ҳаракатланадиган компонентлар орасидаги олдинга ва орқага боғланишлар тузилишини очиқ беришга имкон беради. Модел ўқув жараёнини режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда ушбу жараённи бошқаришга боғлиқ бўлган барча таркибий қисмларни қамраб олади. Ушбу модел таълим тизимида ва умуман жамиятдаги ўзгаришларга қараб ўзгариши мумкин бўлган ўзига хос ва нисбатан мураккаб бўлган очиқ динамик тизимни ташкил этади (бу моделга кириш ва чиқиш мавжудлиги билан таъминланади).

Иккинчидан, эргономик модел қуйидаги концепцияга асосланади: ўқув жараёни субъектнинг ўқувчи ҳаётидаги тажрибаси, шунингдек, замонавий дунёда битирувчининг ўзини ўзи англаш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар асосида тузилиши керак. Бундан ташқари, таълим жараёнининг натижалари ҳам ўқувчи ва ўқитувчининг асосий хусусиятлари, имкониятлари ва қобилиятларига, ҳамда таълим жараёнининг эргономик (гигиена, физиологик, психофизиологик, психологик, антропометрик) омиллари ҳолатига боғлиқ. Катта мураккабликка қарамай, эргономик омилларнинг ахборот-предмет муҳити ва ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятига таъсири орқали биз ўқув жараёнининг якуний натижаларига таъсир ўтказа оламиз. Бироқ, ушбу натижаларни бевосита бошқариш мумкин эмас. Эргономик омиллар фақат маълум бир тарзда педагогик жараён субъектларининг функционал ҳолатига ва иш қобилиятига таъсир қилиши мумкин.

Ўйлаймизки, эргономик ёндашувга асосланган педагогик тизимнинг таклиф этилаётган модели таълим жараёнини такомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин: самарадорлигини ошириш, уни янада қулай қилиш ва педагогик жараён субъектларининг соғлиғини сақлашни таъминлаш. Бироқ, замонавий тадқиқотларда расмий моделни тақдим этиш этарли эмас. Уни амалга ошириш учун аниқ услубий ва амалий тавсиялар зарур.

Таълим хизматларининг аксарият истеъмолчиларининг умидлари мактаб шароитида қулай шароитларнинг мавжудлиги, интеллектуал, ҳиссий ва жисмоний фаровонликни таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, у ерда боланинг кадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинади.

Шубҳасиз, мактабни жозибадор деб ҳисоблаш мумкин, бунинг учун у эргономик муҳит яратилиши ва боланинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши, давлат таълим стандартларига жавоб берадиган билимларни кафолатланган эгаллаши, мактабни шакллантиришга бўлган муносабатини акс эттиради мактаб битирувчисининг замонавий ҳаётда унга керак бўлган фазилатлари.

Таълим-предмет муҳитини тавсифлаш учун ушбу концепциянинг мазмунини аниқлаш керак.
Жаҳон адабиётига катта ҳисса ўшган кўпгина олимларнинг сўз бойлиги услубий жиҳатдан ўрганилиб чиқилган. Масалан, рус шоири А.С.Пушкин ўз асарларида 21197 сўздан, Шекспир 20000 сўздан, Сервантес 18000 сўздан, Абдулла Тўкай 14000 сўздан, Абай эса 6000 сўздан фойдаланган. Навоийшунослик олим Бафоснинг маълумотида кўра, улуғ бобомиз Алишер Навоий сўз ишлатиш борасида ҳам тенг йўқ шахс бўлган. Унинг асарларида тахминан 1376667 сўз ишлатилган. Бу тадқиқотчининг хабар беришича, биргина “Ғаройибус-Сигар”нинг ўзида 7669, “Фарход ва Ширин” да 5431 сўз турли маъноларда қўлланилгандир. Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси Ойбекнинг сўз хазинаси 25000 бирликдан иборат бўлган. Абдулла Қаҳҳор 22000 сўздан фойдаланган.

Умуман олганда, ҳозирги замоннинг олий маълумотли етук кишиси ўз нутқий фаолиятида 10000-12000 тил бирлигидан фойдаланиши мукин.

Ўқитувчи нутқининг ўринлигини – нутқ фазилатлари ичида энг муғимларидан биридир. Чунки нутқнинг бошқа фазилатлари барча учун, нутқ сўзланиб турган шароит учун ўринли бўлсагина, ўзини кўрсата олади. Акс ҳолда, тўғрилиқ ҳам, ифодалилиқ ҳам англашилмайди. Ўринлилиқ нутқнинг маълум бир воқеа-ҳодисага, алоқанинг мақсади ва шароитига мослаб тузилишидир. Ўринли нутқ берилаётган маълумотга, тингловчиларнинг нутқ сўзланилаётган пайтдаги рухий ҳолатига хос бўлади. Масалан, никоҳ тўйи кечасида айтилган нутқ билан иш юзасидан ўтказилган мажлисда сўзланган нутқ ўз сўз таркиби, услуби, оҳанги билан бир-биридан кескин ажралиб туради. Ўринлилиқка эришишнинг асосида тилнинг сўз

бойлигини эгаллаш, ҳар бир сўзнинг маъно қирраларини чуқур англаш этади. Сўзловчи айрим сўз, сўз бирикмалари ёки ибораларининг лексик маъноларини яхши англамасдан нуққа киритилган, мазкур тил воситалари муаллиф кўзлаган маънони англамаганлиги учун мақсад тўлиқ юзага чиқмайди, мантиқсизлик пайдо бўлади.

Мулоқот пайтида суҳбатлашларнинг шахсий, руҳий ҳолатлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, сўзловчининг нутқи унинг нутқ сўзланиб турган пайтдаги руҳий ҳолатига кўра турлича лексик таркибда ва оҳангда бўлиши мумкин. Бундай нутқ тингловчига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Энг ўринсиз нутқ-қўпол нутқдир. Қўпол нутқ тингловчи кайфиятини вайрон қилади ва руҳига салбий таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг ўқувчи билан қўпол муомаласи ўқув материалининг ёмон ўзлаштиришига сабаб бўлишидан ташқари, ўқувчиларни ўзидан бездиради.

Нутқнинг ўринлилиги ижтимоий жихатдан жуда муҳим. Чунки, у бизнинг нутқий хулқимизни бошқаради.

Мақсадга мувофиқ педагогик нутқ ўзининг мантиқийлиги, ишончлилиги, кузатувчанлиги билан характерланади.

Таҷрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай касб эгасининг кишилар билан одатий ўзаро ҳамкорлик тизимида мулоқот гуё, шунчаки ўз-ўзича содир бўлади. Маълум бир мақсадга қаратилган, таълим-тарбиявий жараёнда эса, мулоқот ижтимоий вазифасига айланади, натижада ўқитувчи педагогик мулоқот қонуниятларини пухта билиўи, коммуникатив қобилият ва коммуникатив маданиятга эга бўлиши талаб қилинади.

Касбий-педагогик мулоқот деганда, ўқитувчи ва таълим-тарбия жараёнида бъектларининг ўзаро ҳамкорлик тизимини тушунилади, унинг асосий фаолият мазмуни ўзаро ахборот алмашиши, шахсий билиш, тарбиявий таъсир ўтказиш саналади. Ўқувчи бу жараёнини фаоллаштирувчиси сифатида майдонга чиқади, уни ташкил этади ва бошқаради.

Педагогик мулоқотнинг тарбиявий-дидактик аҳамияти жуда катта. Бунда фаол педагогик мулоқот – ўқитувчининг, умуман олганда педагогик жамоанинг таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни билиш ва ўрганиш калити ва ўқув фаолиятининг ижодий характери, ўқувчи шахсини шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, таълим-тарбияда макбул бўлган эмоционал муҳитни таъминловчи, жумладан, руҳий психологик тўсиқларнинг пайдо бўлишини олдини оладиган, болалар жамоасида ижтимоий-психологик жараёнларни тўғри йўлга солиб бошқаришни таъминлайдиган ва ўқув тарбиявий жараёнда ўқувчининг ўз педагогик маҳоратидан оқилона фойдаланиши учун имкониятлар яратадиган муғим воситалар.

Педагогик фаолиятда мулоқот ўқувчиларга замон талаблари асосида таълим бериш вазифаларини ҳал қилиш воситаси, тарбиявий жараёнларни ижтимоий-педагогик жихатдан таъминлаш тизими сифатида намоён бўлади.

Мулоқот педагогик таъсирнинг ажойиб воситаси бўлиб, инсонларар мулоқотни таъминловчи энг муҳим ва нозик фаолиятдир. Педагогик мулоқот – шунчаки ижтимоий-психологик, педагогик ёки коммуникатив ҳодиса эмас, аввало касбий, ахлоқий феномендир (ҳодиса). Жамиятда ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш ҳамда педагогик воситаларини илғор жараёнларини амалий ҳаётга кенг татбиқи учун ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик технологияларини мукамал эгаллаш лозим. Шундай “технология”ларнинг мавжудлигини педагогик тадқиқотлар исботлаб беради.

Ўқитувчининг коммуникатив фаолиятни мақсадли фаолиятга нисбатан кўпинча иккиламчи характерга эга бўлади. Педагогик мулоқот ўқитувчилар педагогик ижодкорлигининг яхлит тизимида қандай аҳамият касб этади? Педагогик фаолиятнинг муҳим микроэлементлари ностандарт ечимлардан иборат, гарчи ўқитувчи фаолиятида педагогик вазиятлар бир қарашда бир бирига ўхшаш кўринса-да, ўқитувчининг ушбу вазиятларидан ҳар бир ҳатти-харакати мутлақо ноёб ва бетакрордир. Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти таҳлил қилинган, мукамал шаклга эга бўлган тизимлардан иборат эганлигини кўриш мумкин:

- Ўқитувчининг синфда, гуруҳда таҳсил олувчилар жамоаси билан таълим-тарбиявий мақсадларга қаратилган ижодий тайёргарлик.
- Таҳсил олувчилар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик асосидаги ижодкорлик.

Ўқитувчининг педагогик мулоқоти жараёнидаги ижодкорлик бир нечта кўринишда намоён бўлади:

- Ўқитувчининг ўқувчиларни мукамал билиш жараёнидаги ижодкорлиги.
- Улар билан ўзаро ҳамкорлик тизимидаги ижодкорлик.
- Ўқувчига бевосита таъсирни ташкил қилишдаги ижодкорлиги.
- Ўз хулқ-атворини бошқара олишдаги ижодкорлиги.
- Ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни ташкил қилиш жараёнидаги ижодкорлик.

Ўқитувчи нутқининг хусусияти – таҳсил олувчиларга карата йўналтирилган бўлиши билан белгиланада. Ўқитувчи монологи ҳам ўқувчилар билан ички диалог шаклида бўлади. Унинг нутқида ҳамкорликдаги фаолият учун давлат бўлади; “Келинлар, биргаликда ўйлаб кўрайликчи...”, “Ўйлайманки бу сизларни қизиқтиради”, “Ёдингизда бўлса...” ва бошқалар.

Ўқитувчи оғзаки нутқининг яна бир хусусияти, узининг мазмуни – ўқувчилар замонидан товуш ва визуал йўл билан қабул қилинади. Визуал ҳаракатлар ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги, ифодалилигини оширади, у ўқитувчининг кайфияти ҳақида ҳам ўқувчиларга ахборот беради. Шунинг учун ёш ўқитувчи мулоқотда ўзининг ташқи кўринишини бошқара олиш кўникмасини шакллантириши керак.

Таълим сифатини белгиловчи омиллардан бири бу ўқитувчининг ўз фани бўйича компетенцияга эга бўлишидир. У педагогик мослашув тизими асосида намоён бўлади. Булар:

- Илмий билим;
- Турли хил фаолиятни бажара олиши (намуна ечимини мисол келтира олиш);
- Муаммоли вазиятларни самарали ечимини топишда ижодий фаолият асосида ёндашиши;
- Жамият ва инсонларга, табиатга ижобий эмоционал муносабатда бўлиш тажрибаси.

Бунга мисол тариқасида кейинги йилларда давлатимизда чет тилларини мукамал ўзлаштиришга эътибор берилаётганлигини, барча таълим муассасаларида хорижий тиллари, айниқса, инглиз тилини мукамал ўзлаштиришининг янги дастур ва ўқув режалари ишлаб чиқилганлигини ҳисобга олган ҳолда ўқув муассасалари педагог кадрларнинг чет тилини амалий ўзлаштириш жаражасини оширишнинг замонавий талабларини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланганлигини келтириб ўтиш жоиздир. Педагог кадрларнинг хорижий тиллардаги илмий манбалардан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳсил олувчиларга янада кенгроқ билим беришда, мамлакатимиз ўқув муассасаларининг ривожланган давлатлар таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда уларнинг халқаро миқёсида интеграциялашувида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Идоравий мансублигидан қатъий назар, мамлакатимиз таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта доимий асосда икки ой давом этадиган таянч олий ўқув юртларининг доимий фаолият кўрсатадиган курсларида қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шартлиги, шунингдек, курслар якунида тингловчилар аттестациядан ўтиши лозимлиги меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Бу ўз навбатида, илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг изчил амалга оширилишидан далолатдир. Бунда инглиз ва бошқа тиллар ўқитувчиларни фанлари бўйича компетенцияга эга бўлиши кўйидагиларга намоён бўлади:

- Коммуникатив (нутқий, ижтимоий-маданий, тилни чуқур билиш);
 - Ижодий педагогик фаолиятида ўзи ўзлаштирган билими, кўникма, малакани, анализ ва синтез қилиш;
 - Педагогик фаолиятини мувофиқлаштириш (шахсий компетенция – шахсий ютуқларини бошқариши, ўзининг англаш ва касбий ўсиши);
 - Нутқ маданиятига риоя қилиш; миллий ва умумиллий қадриятларни чуқур билиш, улардан ўз фаолияти мобайнида фойдаланиш;
 - Илмий билими, бадиий-назарий, тарихий-бадиий, тадқиқотчилик;
 - Психологик-педагогик услубий билимга эга бўлиш;
 - Нутқ тажрибаси ва мулоқотчилик;
 - Тил воситаси билан алоқа қилиши, нутқ орқали таъсир қилиш;
 - Нутқ ёрдамида муайян тасаввурлар, фикр ва тушунчалар хис-туйғулар ҳамда турли ҳаракатлар ҳосил қилиш;
 - Тилнинг ривожланишига доир амалий ва назарий билимларни мунтазам равишда ўрганиб бориш;
- Америка олими Д.Хаймз коммуникатив компетенцияга кўйидагиларни киритади;
- Лингвистик (тил қоидасига риоя қилиш);
 - Ижтимоий – лингвистик нутқни ифодалаш қоидаси;
 - Дискурсив (мантқиқий фикрлаш кетма-кетлиги);
 - Сухбатдошни қўллаб қувватлаш қоидаси.

Шарқ мутафаккири Насриддин Тусий ўзининг “Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида”ги номли асарида “Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ҳаҳарҳандалт, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузилиши мумкин” – дейди. Дарҳақиқат, ўқитувчига жамият томонидан қўйиладиган ижтимоий талаблар унинг фаолияти нақадар серқирра эканлигидан далолат беради ва шу билан бирга ўқитувчининг коммуникативлиу қобилияти юқори бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Худди шундай бошқа фанлар бўйича компетенцияга эга бўлиш жараёнини бир неча фан мисолида кўриб чиқса. Масалан, математика ўқув предмети бўйича;

- Математик усуллар, математик тилни аниқлаш алгоритми,
- Мустақил билиш фаолияти, математик билим ва услубларни турли хил манбаларни ўзлаштириш орқали мустахкалалаш,
- Математик саводхонлиги, математика фанини илм-фан оламидаги аҳамиятини ўрнини ўқувчиларга етказа олиш,

- Асосланган математик тушунча ва атамаларни ўқувчиларга тушунтириб бериш,

- Ўқувчиларга турли хил вазиятлар ҳаётда учраши мумкин бўлган ҳолатлардан математик билим ва кўникмаларни қшллашга ўргатиш. Ёки физика фани бўйича компетенцияга эга бўлишлик қўйидагиларда намоён бўлади.

- Физика фани юзасидан дунёда тан олинган илмий кашфиётларни билиш;

- Фан бўйича тажриба ва кузатиш тажриба ишлари натижаларини тушунтира олиш;

- Асосий физика фанига доир назария ва тушунчаларни мукамал билиш;

- Замонавий астрономия ва астрофизика, табиат ҳодисаларининг асосий ғоялари бўйича тасаввурга эга бўлиш.

Биология фани ўқитувчиси фани бўйича компетенцияга эга бўлиши қўйидагиларда намоён бўлади;

- Кимёвий моддалар ва уларнинг хусусиятини ўрганиш;

- Кимёвий реакция ва уларнинг натижаларини олдиндан кўра олиш кўникмасини ривожантириш;

- Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирини ўзлаштириш;

- Глобал муаммоларнинг аҳамияти ва қарама-қаршиликларини англаш;

- Глобал муаммолар миллатларнинг маданияти, одати ва қарашларига таъсир қилишини тушуниш;

- Дунёдаги тинчлик ва табиий ҳодисаларга ҳар бир инсоннинг маъсулияти ва қарашларини таъсирини англашга ўргатиш ва бошқалар.

Демак, глобаллашув сари бораётган ҳозирги пайтда дунёдаги давлатларнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви, уларнинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бундай юксак таракқий этган давлатларнинг асосий устунлиги – таълим тизимнинг ҳолати билан аниқланадиган, шахсий ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ. Давлатнинг бугунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар ҳам айнан таълим соҳаси ривожланишига бевосита боғлиқдир. Хулоса қилиб айтганда бугунги глобаллашув даврида замонавий ўқитувчиларда қўйидаги ҳислатларни таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади.

- Инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳислатларини ривожлантириш;

- Коммуникатив (мулоқотга мойиллик) малакаларини шакллантириш;

- Касбий мустақиллик, ишчанлик, хиссий барқарорлик, ўз ишига ижодий ёндашиш ҳислатларини таркиб топтириш;

- Педагогик казокат ва педагогик техникадан оқилона фойдаланишни шакллантириш;

- Нутқ техникасини, ўз товуш, мимика ва гавдасини бошқариш, жамоага ва шахсга таъсир кўрсатиш қобилиятларини такомиллаштириш;

- Замонавий фан ва ишлаб чиқаришдаги муаммолар, педагогик, ахборот ва юқори даражадаги технологиялардан хабардор бўлиш ҳамда улардан зарурларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва бошқалар.

Узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқитувчининг вазифалари кўпқиррали ва сермазмундир. Шу сабабли охириги пайтларда таълим тизимида замонавий ўқитувчининг жамиятда олиб бораётган фаолияти ва шахсий ҳаётидаги ишларини уйғунлаштириш учун махсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида фойдаланмоқда. Ушбу мутахассислар “лайф коуч”лар деб номланади.

Лайф коуч (инглиз тилида лифе-ҳаёт, соучиёг-режалаштириш) таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолиятини тўғри режалаштирадиган мутахассис. Маълумки, ўқитувчи педагогик жараёни режалаштирувчиси, бошқарувчиси ҳамда йўналтирувчиси ҳисобланади. Унинг касбий, шахсий фаолиятини уйғунликда олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи гуруҳ, синфдаги ўқувчиларга таълим ва тарбия берар экан, шу билан биргаликда жамият аъзоси бўлган ўз фарзандларини ҳам тарбияловчи ота-она сифатида намоён бўлади. Демак, ўз иш жойидаги фаолият билан биргаликда, оиладаги, жамоадаги ишларини уйғунликда олиб бориш учун кун тартиби тўғри режалаштириб олишга зарурат туғилади.

Таълим жараёнида ўқитувчининг самарали фаолиятини ташкил қилишда фасилитатор-ўқитувчи ёрдам беради.

Фасилитатор – инглизча сўздан олинган бўлиб, “ёрдам берувчи”, “енгиллаштирувчи” деган маънони англатади. Таълим-тарбия мақсадига эришишни осонлаштириш учун ўқувчиларнинг самарали ҳамкорлигини шакллантиради. Бундан ташқари бугунги кунда илмий, услубий адабиётларда менежер, модератор, эксперт каби атамаларни учратамиз.

Менежер – ўқувчиларнинг имкониятларини ва эҳтиёжларини ўрганиш натижасида таълим-тарбия жараёни стратегиясини ишлаб чиқади ва жараёни бошқаради.

Эксперт – аниқ мавзу, масала бўйича ҳакамлик қилади. Билим, кўникма, малака (БКМ) даражасини белгилашда ёрдам беради.

Модератор – маълум мавзу юзасидан муҳокама, баҳс ташкил этади, ўзи аралашмаган ҳолда бир ечимга эришишга ёрдам беради.

Маърузачи – машғулот учун ўқув материалларини тайёрлайди, ўқувчиларни баҳсга чорлайди, ўрганиш жараёнини мотивациялайди.

Махлахатчи – ўқувчиларнинг тажрибасига асосланган ҳолда билим беради, мавҳум ўринларни аниқлаштиришда ёрдам кўрсатади.

Тренер – ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотини ташкил этади, уларнинг маълум малака ва кўникмаларини ривожлантиради.

Шундай қилиб, педагогика соҳасида яратилган адабиётларда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрнига объектив баҳо берилган. Шу билан бирга таълим-тарбия жараёнида қандай инсонни шакллантириш лозим, таълим-тарбия натижасижа инсон қандай бўлиши керак, деган саволларга мунтазам жавоб излаш зарурияти мавжудлигича қолади ва асрлар оша мутафаккирларимиз томонидан яратилган “комил инсон тарбияси” ғояларига ҳамоханг равишда ривожлантирилади.

3.2. Таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Низоларнинг иштимой ҳаётдаги ахамияти. Низо – бу ишлаб чиқаришда, жамиятда ёки, шахсий ҳаётда мавжуд бўладиган қарама-қарши мақсадлар, иштиёқлар, фикрлар ва мулоҳазаларнинг тўқнашуви. Ҳар бир одамнинг ўз фикри ва дунёқарashi бўлади. Шу туфайли жамиятда ва меҳнат жамоасида зиддиятлар бўлиб туриши табиийдир. Ундан ташқари, ҳар бир ривожланиш ўзига хос бир қарама-қаршилиқдан бошланади.

Низоларнинг таркиби ва мазмуни. Ҳар бир низо таркиби низо шароити ва тўқнашудан иборат.

Низо шароити - бу жанжалдан илгари рўй берадиган, жанжалнинг сабаблари ва шартлари тўплами. Низо шароити ўз навбатида иккита моддадан иборат бўлади:

- эътироз берувчи кишилардан, яъни қарама-қарши ҳаракатдаги одамлардан (оппонентлар);
- можаранинг асосидан, яъни низони илдизида ётган асл сабабдан.

Оппонентларни “кучи” фақатгина уларни жанжалда одилона, мантиқли фикр юритишларига боғлиқ эмас. Уларнинг “кучи” уларнинг мартабаси даражасига ҳам боғлиқ. Ҳар бир жанжалда оппонентлар тўртта мартаба даражасидан биттасига мансуб бўлиши мумкин.

Низо асоси - бу жанжални илдизида ётган тўқнашув сабабидир. Одатда бу сабабни аниқлаш қийин. Кўпгина низоларнинг асл сабаби - бу барча оппонентларнинг эҳтиёжларини қондиришга инконият йққлиги, бор талабаларни қониқтиришда чегараланган имкониятлар мавжудлигидадир.

Ҳар бир низо шароитидан жанжал пайдо бўлиши учун оппонентларни бир-бирига қарама-қарши амалий ҳаракати керак. Бу ҳаракат, яъни **тўқнашув** мавжуд бўлмагунча жанжал шароити узоқ вақт (чегарасиз) шароитлигича қолаверади, аммо низо бошланмайди. Бундан хулоса шуки, жанжал - бу жанжал шароити ва ундаги оппонентларнинг бир-бирига қарши ҳаракатидир.

Жанжал шароити юз берган жанжалдан анча аввал мавжуд бўлади. Низо шароити объектив сабабларга кўра мавжуд бўлади. Оппонентларнинг бир-бирига қарши ҳаракати (тўқнашув) тасодифан келиб чиқиши мумкин.

Низоларнинг ҳаётда учрайдиган турлари. Низолар ўзининг қатор белгилари билан бир-биридан фарқ қилади.

Амалий низо одатда қатъий принципал тортишувларда мавжуд бўлади. Амалий низо одамларни ахиллаштиради, муҳим муаммоларни ечишга ёрдам беради ва ҳар ерда соғлам руҳий муҳит яратади. Амалий низо фойдали рақобатчиликни ривожлантиради ва очикдан очик, принципал танқидларга ва ўзини-ўзи танқид қилишга асосланади. Амалий низо кўпинча демократик бошқариш усулида ва ишлаб чиқаришга оид бўлган тортишувларда учрайди.

Вайронавий низо кўпинча гап чувлашишидан, арзимас майда гап ғавголар оқибатида рўёбга келади. Бу ҳолда оппонентлар иш манфатини кўзлашмайди. Уларнинг бутун ҳаёли курашга жалб этилади ва рақибига қанчали кўпроқ зарба беришга қаратилади. Шахслараро можароларда ва авторитар услубдаги бошқарувда одатда вайронавий низолар кўп учрайди.

Низоларни олдини олиш йўллари. Низони олдини олиш - бу низо шароитини пайқаб тўқнашув чикмагунча оппонентларни бир-бири билан келиштириш ёки низонинг илдизида ётган келишмовчилик сабабини бартараф қилишдир.

Низоларни ҳал этиш йўллари. Низони ҳал этиш - бу шахслараро муносабатни келиштириш. Бунга оппонентларнинг мақсадларини, фикрларини ва эҳтиёжларини бир-бирига мослаш орқали эришиш мумкин. Зиддият низо шароитидан тўғридан-тўғри жанжалга айлангандан сўнг низо ҳал этилади.

Низоларни ҳал этилиш йўллари қуйдагидек:

- Биринчи оппонент иккинчи оппонентнинг фикрига қўшилади;
- Иккинчи оппонент биринчи оппонентнинг фикрига қўшилади;
- Иккала оппонентлар учунчи, ҳар томонларни қониқтирадиган шартга рози бўлишади;
- Иккала оппонентлар ўз фикрларида қолишади ва қарама қарши фикрлар мавжудлигида ҳамжихатли меҳнат қилишга ва яшашга кўникишади;

Низоларни ҳал этиш учун раҳбар қуйдаги қоидаларга роя қилиши керак:

- Низодан хуласа чиқариш учун раҳбар иккита оппонентларни гапини эшитиши керак;
- Раҳбар эътиборини оппонентларни ўзини тутишларига эмас, барки низони асосида ётган сабабга қаратиши керак;
- Низони ҳал этишда раҳбар ўзини буйруғини кучига ишонмаслиги керак;
- Оппонентларни яраштиришда уларни бир-бирига тўғри келадиган гапларига жиддий тўхталиб, зид келадиган фикрларини арзимайдиган майда гап тариқасида келтириш лозим;
- Содир бўлган жанжални тафсилотини раҳбар тез-тез муҳокама қилишдан бош тортиши керак. Чунки муҳокама жараёнида оппонентларни асаби қанча вақт ўтганлигига қарамай қайтатдан кўзғолади. Бу вазиятда оппонентларни яраштириш анча қийинлашади;
- Оппонентларга бовор келиш учун раҳбар жамоатчилик фикридан ва таъсир кучидан оқилона фойдаланиши лозим;
- Можарани оқибатида қорхона моддий ва молиявий зарар кўришидан раҳбар барвақт керакли чораларни кўриб қўйиши керак;
- Оппонентлар ярашқанларидан сўнг уларни муносабатлари дастлаб раҳбарнинг назорати остида бўлиши лозим. Керак бўлса уларни онгли, инсофли ва виждонли бўлишга чорлаш лозим.

Низоларни ҳал этиш алгоритми. Низоларни ҳал этиш алгоритми сиздан қуйдаги босқичларни бажаришни талаб қилади:

1. Зиддиятни муҳокама қилиш учун иккинчи томон билан қулай вақтни келишволинг;
2. Оппонентизга нисбатан самими бўлинг;
3. Ультиматулар билан фойдаланменг;
4. Музокара давомида низонинг асосий мазмунига роя қилинг;
5. Музокара давомида ўз мақсадларингизни ровшанлаштириб боринг;
6. Низони ҳамжихатли шаклда ҳал этиб икки томонни манфаътларини тўла қониқтиришга интилинг;
7. Низони ҳал этувчи шартнома натижалари асосида ўз зиммангизга олган мажбуриятларингизни албатда тўла ва ўз вақтида бажаринг;
8. Музокара давомида оппонентнинг ҳар бир сўзини хурмат билан эшитинг ва эътибор билан ҳамма гапларини тушунишга интилинг.


Хулоса сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Бу марузанинг мазмунидан ровшан аён бўлган фикр шуки: низолар муаммоси бошқариш назария ва амалиётининг энг муҳим йўналишидир.
2. Ҳар бир мутахассис ва раҳбарнинг низоларни олдини олиш ва ҳал этиш билим ва қобилиятлар билан кўроллантириш ҳозирги замоннинг энг долбзор талабларидан бирига айланиб қолди.
3. Бу вазифани бажаришни мураккаблиги шундаки: низоларни ҳал этишда ягона оқилона рецепт ёки битта энг авзал концепция ёқ. Ҳар вақтда ва ҳар жойда низони ҳозир мавжуд бўлган шароитга роя қилган ҳолда ҳал этиш керак.
4. Низосиз жамиятни ўзи бўлмайди, қарама-қаршиликлар ҳар бир ишлаб чиқаришда муқаррар. Бу ҳолда раҳбарлар низолар муаммоларида ўта малакали бўлишлари, меҳнат жамоасини зиддиятлар шароитида муваффақиятли бошқаришга қобилиятли бўлишлари шарт.

3.3. Ўқитувчиларнинг эргономик маданиятни ривожлантириш технологияси ва тизими

Тарбияланувчиларнинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган тизимли жараёнда муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган, таълим натижасини кафолатлайдиган педагогик жараённи ташкил этиш мактаб ўқитувчиларидан педагогик эргономик компетенцияга асосланган эргономик маданиятни талаб этади.

Малака ошириш муассасасида ўқитувчиларнинг эргономик маданиятини ривожлантириш тизими ва технологияси 1-расмда келтирилган:





1-расм. Ўқитувчиларнинг эргономик маданиятини ривожлантириш тизими ва технологияси.

Биз, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида тингловчи-ўқитувчиларни эргономик фаолиятга тайёрлаш жараёнини ташкиллаштириш ва уларнинг тайёргарлик даражасига, педагогик эргономика бўйича шаклланиши зарур бўлган малака ва кўникмаларга, ўзлаштириши зарур бўлган билимлар мазмунига ва таълим дастурларининг мазмунига белгиланган талабларнинг йўналишини ифодаловчи ва таълим-тарбия жараёнида кўзланган натижаларга эришишни, ўқитувчиларнинг эргономик маданиятни ривожланишини таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган технология ва тизимни таҳлил қилиб(1-расм), ўқитувчиларнинг эргономик маданиятини ривожланиши ўқув билиш фаолияти орқали таъминланувчи эргономик

компетенцияга бевосита боғлиқ эканлиги ёритиб берилганлигига гувоҳ бўламиз.

Эргономик билимларнинг маъносини назарий англаш натижасида, замонавий техника ва технологиялар ютуқлари амалда самарали бўлиши учун мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларининг эргономик маданиятининг маълум бир минимал даражаси мутлақо зарур деган хулоса келиб чиқади. Е.А.Климов ўз ишида “аҳолининг онгининг ғоялар, фанга мос тушунчалар билан маълум бир минимал тўйинганлиги мавжуд. Бу охир-оқибат ривожланиш учун, баъзан эса жамият ҳаётини сақлаб қолиш учун жуда зарур бўлган тегишли маданиятнинг намоёнидир” деган эди[20].

Бизнинг фикримизча Б.С.Гершунскаянинг нуқтаи назари эътиборга лойиқдир, у “саводхонлик - таълим - касбийлик – маданият” туркумини кўриб чиқади, “маданият гуманитар, бадиий бўлиши шарт эмас, бу техник, технологияга ҳам тегишли - деб ҳисоблайди. Инсон тарбияси ва касбий салоҳиятининг энг юқори намоён бўлиши маданият” эканлигини изоҳлайди [21, 61-бет].

Шуни ҳисобга олган ҳолда биз эргономик маданиятнинг талаб қилинадиган минимал даражаси - эргономик саводхонлик экан деган хулосага келдик. Кенг маънода эргономик саводхонлик - бу эргономик тизимларнинг “хулқ-атвори”ни онгли равишда англаш, меҳнат тамойиллари ва инсон имкониятлари ва меҳнат воситалари(ўқитиш) тўғрисида билим, бу воситаларни бевосита ўз фаолиятида самарали қўллаш қобилиятидир. Эргономик саводхонлик замонавий технологиялар ва бошқа ўқув қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда иш ва ўқув фаолиятида муҳим омил ҳисобланади, бунинг ўрнини бошқалар билан тўлдириб бўлмайди(2-расм).



2-расм. Ўқитувчиларнинг эргономик маданиятини ривожлантириш модели.

Ахборот йўналиши ўқитувчининг маълумотни қаердан ва қандай олиши, таҳлил қилиши, қайта ишлаши (ҳиссий органлар, белгилар, тасвирлар, товушлар ва бошқалар) шаклида намоён бўлиши, ўқув муҳитини тўлиқ технологик ривожлантириш ва ўқитувчи эргономик маданиятини босқичма-босқич ривожлантириш шароитида хавфсизлик, қулайлик, фаолиятни оқилона ташкил этиш ва интеллектуал иш самарадорлигини оширишга бўлган талаблари билан "педагогик эргономика" ҳақида фикрлар асосланади[1].

Тингловчи-ўқитувчиларнинг педагогик эргономикани ўрганишлари билан бир қаторда содда, лекин етарли даражада асосланган эргономик таърифларни мустақил ўзлаштириш, кенгрок фикрлаш, турли методлар

асосида муаммолар ечимини топишни ўрганиб олишларига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Юқорида зикр этилганлар асосида ўқитувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти таркибий қисмлари, ушбу жараён мураккаб тузилишга эга бўлиб, эргономикага оид компетенция принципларини, мезонлари, босқичлари, ёндашувлиги, аспекти, методик шароитлари, кутилаётган натижа компонентларининг шакллантиради(2-расмга қаранг).

Тингловчи-ўқитувчиларлар учун амалай машғулот мавзуларини танлашда педагогик эргономика мазмунининг интегратив масалаларини чуқурроқ ўрганилишини таъминлаш мақсадида фанлараро ёндашувга асосланилади. Асосий эътибор “Эргономика”, “Педагогик эргономика”, “Таълимнинг эргономик шароитлари” каби таянч ибораларга ва педагогик эргономиканинг фан сифатида ривожланиш тарихи, таълим муҳитини эргономик лойihalаш босқичларига, шунингдек Халқ таълими вазири тамонидан 2004 йил 15 майда тасдиқланган “умумтаълим мактабларини жиҳозлаш меёрлари”да кўрсатилган ўқитиш воситалари, жиҳоз ва ускуналар, хоналарнинг номланишини ва улардан фойдаланиш усуллари, “0375-20 санҚваМ” рақамли Ўзбекистон республикаси санитария қоидалари, нормалари ва гигиеник нормативларини, шунингдек таълим муассасаларидаги мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа инвентарлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тўғрисидаги “йўриқнома” талабларига қаратилди.

Ўқитувчи эргономик маданиятининг ривожланиши бевосита эргономик компетенцияга боғлиқ эканлиги малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тингловчи-ўқитувчиларнинг малака ошириш тоифасига мувофиқ педагогик эргономика мавзуси бўйича қизиқишлари ва мойиллигини аниқлаб, эргономик маданият соҳасида индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш мақсадларида танишув тестлари, савол-жавоблар, ишбилармон ўйинлар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, учрашувлар каби қатор тадбирларни ташкил этишда эътиборга олинади.

Профессор-ўқитувчиларнинг мавжуд илмий-назарий билимларни бевосита амалиётга татбиқ этиш ҳамда тингловчи-ўқитувчиларнинг билим олишлари ва шахсий ривожланишларини ҳамда эргономик маданиятларини ривожланиб боришини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш йўналишлари ёритиб берилади.

Мазкур фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, малака ошириш таълим муассасаси кафедралари муассаса уставида белгилаб қўйилган ўз функционал вазифаларини амалга ошириш билан бир қаторда кафедра

томонидан ташкил этиладиган фаолиятнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган функцияларни амалга оширишда ўз ифодасини топади ва педагогиканинг илмий йўналишларидан бири бўлган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иш ўринларига оқилона мослашувини таъминлайдиган “педагог-ўқувчи-таълим воситаси-муҳит” эргономик тизимда, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида, таълим жараёни хавфсизлиги ва кулайлигини таъминлашда, малака ошириш таълим муассасаси кафедраларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш заруриятини белгилаб беради.

Эргономик маданиятни ривожлантириш юзасидан тайёрланган педагогик эргономика мавзуларини малака ошириш таълими жараёнига жорий этишда ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими ходими ва малака ошириш таълим муассасаси буйруғи билан тузилган ўқув жараёнини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи вакили (масъул, гуруҳ масъули ёки курс раҳбари) гуруҳда машғулот ўтувчи профессор-ўқитувчиларга юклатилган вазифалар, эргономик маданиятни ривожлантиришга асос бўлувчи, тақдим этилаётган педагогик эргономика мавзуларини тингловчи-ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилади.

ХУЛОСА

Ўқитувчилик касбини ва педагогик маҳоратни эгаллаш, мактаб ўқитувчилар жамоасига киришиб, унда ўз ўрнини топиб кета олиши ёш ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўгирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўқитувчининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ва ўз вақтида малакасини ошириб боришга узвий боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизимини назарий-методологик жиҳатдан қуроллантириш – бугунги кунда педагогика фанининг бош мақсади сифатида белгиланган.

Юқорида баён этилган юксак, аммо, шарафли вазифаларни муваффақиятли уудалаш ҳар бир педагогик ходимдан юксак касбий маҳорат, билимдонлик ва кенг дунёқарашни талаб этади.

Касбий компетентлик ва педагогик маҳорат – ўқитувчи ижодкорлигининг олий намунаси бўлиб, у йиллар давомида шаклланади. Унинг юксак маҳоратни эгаллаши ғоят мураккаб жараён бўлиб, педагогика фанининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўқитувчи касбига хос бўлган кўпгина фазилатлар билан бирга унинг педагогик маҳоратни эгаллаши катта аҳамиятга эга. Касбий компетентлик ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчигина ўз касбига лаёқатли, истеододли бўлиши мумкин.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи юқори педагогик маҳорат ва кенг дунёқарашга эга бўлиши керак. Шундагина оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади, ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеододли кишидагина педагогик маҳорат эгаси бўлиши мумкин. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши, унга турдош фанлар ҳақида ҳам тушунчага эга бўлиши, ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиши, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиши, ўқувчиларнинг билим, камолот даражаси ва руҳиятини ҳисобга олиши, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини тасаввур эта олиши лозим. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бўлган нарсаларни ўқувчиларга тушунилиши қийин ва мавҳум бир нарса бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутаяди. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади ҳамда режалаштиради.

Ўқитувчи касбига хос бўлган хислатлар, яъни касбий компетенция ва педагогик маҳорат унда бирданига шаклланмайди. У ўз устида тинмай ишлаш, изланиш ва кўникмалар асосида ривожланади.

Ўқитувчининг юқори касбий маҳоратни эгаллаши бевосита узлуксиз таълим тизими орқали амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимида асосий ўрин эгаллаган малака ошириш ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш ва унга истиқбол йўналишлар беришга имкон беради.

Ҳозирги давр ўқитувчидан ўқитишнинг илғор педагогик технология талабларини тўғри тушуниш, ташаббускорлик, ўз фани бўйича янгиликлардан хабардор бўлиши ва дарсларига жорий эта олишни талаб этади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликни вужудга келтириш, дўстона хавфсиз ва қулай муҳитни яратиш муаммосининг муваффақиятли ҳал этилиши, фан ўқитувчилари ва мактаб раҳбариятининг эгаллаган билим, кўникма малакалари ва шахсий инсоний фазилатларини эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади. Шахсни ривожлантириш, соғлиғини

сақлаш учун таълим самарадорлиги ва сифатини ошириш ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг эргономик муаммоларини хал қилмасдан мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Ўйлаймизки, педагогик эргономика - бу ўқитувчилар ва мактаб ўқувчиларининг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш билан бирга таълим жараёни самарадорлигини ошириш шартлари ва усулларини ўрганадиган “ўқитувчи - талаба - ўқув қўлланмалари - атроф-муҳит” тизимини кўриб чиқадиган педагогиканинг бир бўлаги. Эргономик ёндашув тўлиқ хавфсизликни назарда тутаяди ва мактабнинг ўқув-предметли муҳитини, ўқитиш воситаларини педагогик жараён субъектларининг биргаликдаги фаолиятига тўлиқ мослаштиради.

Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган муаммо билан боғлиқ масалалар орасида қўшимча ўрганиш ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, бу эргономик таҳлил ва янги ва ноанъанавий педагогик технологияларни баҳолаш масаласига тегишли. Ушбу ёндашувни амалга оширишга қодир ўқитувчиларнинг эргономик тайёргарлиги муаммоси бўйича махсус тадқиқотлар ўтказиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Абдуллаев С.Х. Эргономика, малака ошириш тизимининг эргономик муаммолари. МГУ.Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. Наука, просвещение и культура в системе непрерывного образования: проблемы и решения по реализации государственной программы. «Год внимания и заботы о старшем поколении» Материалы научно-практической конференции. Част 1. Стр 48-54. Ташкент 2015г.

2.Абдуллаев С.Х.Таълим тизимида корпоратив бошқарув ёндашувини тадбиқ этиш таълим сифатини ошириш омили// Халқ таълими журнали. – Тошкент, 2015. – №3. –39-42б.

3.Абдуллаев С.Х., Шодманов Қ.О. Талабаларни бошқарув фаолиятига тайёрлашга тизимли ёндашув // Халқ таълими журнали. – Тошкент, 2008. – №6. – 28 – 32-б.

4.Абдуллаев С.Х., Шодманов Қ.О. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари // Касб-хунар таълими журнали. – Тошкент, 2008. – №3. – 2 – 5-б.

5.Абдуллаев С.Х., Турғунов С.Т. Таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигининг назарий асослари // Касб-хунар таълими журнали. – 2006. – № 1. – 3 – 4-б.

6.Абдуллаев С.Х.,Мусурманова Р. Педагогик тажриба синов жараёни самарадорлиги//Халқ таълими журнали. –Тошкент, 2008. -№5. -18-20-б.

7.Абдуллаев С.Х.,Мусурманова Р. Педагогик тажриба синов ишларини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос жихатлари //Мақтаб ва Хаёт журнали. –Тошкент, 2008. -№7-8. -29-30-б.

8. Абдуллаева О.С. Технологии повкшения учебно-воспитателбного процесса профессиональнкх образовательнкх учреждений(на примере изучения курса информатика и информационнкх технологий). // Монография. Издательство “Навруз”, Ташкент, 2016. С.189.

9.Абрамов А. Основы эргономики: Учеб, пособие. - М.: РГОТУПС, 2001.-263 с.

10.Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство/учебное пособие для магистратуры всех специальностей. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003. – 192с.

11. Андриянова В. И., Стратегия формирования у обучаемых способностей и самовыражения и самореализации. Изд. “Fan va texnologiya” 2014 г.

12.Аналитический доклад по результатам педагогического мониторинга современного состояния учебно-материальной базы / Сост. Назарова Т.С. - М.: ИОСО, ЦСО РАО, 1998. - 38 с.

13.Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания — (Серия «Мастера психологии») — СПб.: Питер, 2001. — 288 с.

14.Бегматов А.С. Корпоратив маданият ва корпоратив бошқарув. Ўқув кўлланма. 20 б.т. Ҳаммулликда. Т. “Академия” нашриёти 2007 йил.

15.Бегматов А.С. Жамият ва шахс муносабатлари тадрижида маънавият, рухият ва тарбиянинг роли. Монография. Ҳаммуалликда. Тошкент, 2011 йил.

16.Безруких М.М. Здоровье детей и школа. Проблемы и перспективы // Перемены.-2000.-№ 1.-С. 148-160.

17.Беспалько В.П. Педагогические технологии в школе / Педагогическ-кие проблемы трудовой подготовки старшеклассников на современном этапе НТП. - М., 1998.-С.23-29.

18.Большая Советская Энциклопедия. 3-е изд. - М.: 1978. - Т. 30. - С. 230.

19.Волкова С.Р. Перспективы развития педагогической профессии в условиях непрерывного образования. // Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

тизимида педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари.: Тез. докл. -Т., ИРССПО. 2004. – 270с.

20.Воронина Е.В. Реализация эргономического подхода в образовательном процессе современной школы. Дис.канд.пед.наук. Тобольск. 2001г.

21.Воронина Е.В. Научная организация педагогического труда. Педагогическая эргономика. Учебное пособие для академического бакалавриата. Москва-Юрайт-2017г.

22.Гершунский Б.С. Философия образования.-М.: Флинта, 1998.-428с.

23.Голиш Л.В. Педагогические технологии: содержание, проектирование, реализация. Экспресс-пособие. Т.: ИРССПО.2001. – 60с.

24.Горячев В. Здоровье детей - категория педагогическая // Воспитание школьников. -1999. - № 1. - С. 8-12.

25.Грачёв Н.Н. Психология инженерного труда: Учеб, пособие. - М.: Высш, шк., 1998.-333 с.

26.Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.

27.Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры у будущих учителей в процессе профессиональной подготовки при изучении дисциплин педагогического цикла. // Автореф. кандпед. наук. – Т. 2002. 22с.

28.Дикая А.А. Активизация познавательной деятельности учащихся средствами новых информационных технологий. Автореферат... канд. пед. наук. - Челябинск, 1998. - 27 с.

29.Зараковский Г.М. Популяционно-психологический подход к решению эргономических проблем И Проблемы психологии и эргономики. - 1999.-Вып.2.-С.34-39.

30.Зинченко В.П., Мунипов В.М. Основы эргономики. - М.: 2001. -356 с.

31.Иванов Д.И. Компетентности и компетентностный подход в современном образовании/ Д.И. Иванов // Воспитание. Образование. Педагогика.-2007.-№6(12).

32. Иноятова М ва бошқалар. Бошланғич таълим сифатини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш. Тошкент-2014. Ўз.Р. ФИТИ нашриёти.

33.Кучукбаев Ф.М ва бошқалар. Телекоммуникация тизимининг глобаллашуви шароитида болалар ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича

ота-оналар учун тавсия. Т.Н. Қори Ниёзий номидаги ЎПФИТИ нашриёти, 2014 й.

34.Кавтарадзе Д.Н. Обучение и игра. Введение в активные методы обучения. - М.: Московский психолого-педагогический институт, изд-во «Флинт», 1998. -192 с.

35.Калинина Н.В., Лукьянова М.И. Психолого-педагогические показатели результативности образовательного процесса. Ч . 1 Умственное развитие учащихся и сформированность учебной деятельности. -1998. -71 с.

36.Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. - М.: Изд. центр Академия, 2000. -176 с.

37.Козуб Л.В., Лерх А.А., Симоненко В.Д. Основы маркетинга: Учеб, пособие. - Ишим: Изд-во ИГПИ, 1998. - 394 с.

38.Краткий психологический словарь // Под ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского. - М.: Политиздат, 1985. - С.411-412.

39.Куинджи Н.Н. Валеология: Пути и способы формирования здоровья школьников: Методическое пособие. - М.: Аспект Пресс, 2000. - 139 с.

40.Лебедева Н.Т. Школа и здоровье учащихся. - Минск: Ушверспэнкае, 1998.-220 с.

41.Лернер П.С. Учителю об инженерно-техническом проектировании // Школа и производство. - 1999. - №2. - С.21-23.

42.Левин В. А. Экспертиза школьной образовательной среды.-М.: Сентябрь, 2000. - 123 с.

43.Магзумов П.Т., Баубекова З.Ж. Педагогическое мастерство. Учебное пособие. – Т.: 2002 – 63с.

44.Муслимов Н. Алиева Н. Процесс профессионального и личностного развития инженера – педагога//Ж. Педагогик таълим-2003.-№1.- С. 33-35.

45.Масленников М.М. Охрана труда при оборудовании и эксплуатации учебных кабинетов образовательных учреждений. - Ульяновск: ИПК ПРО, 1999.-44 с.

46.Мунипов В.М., Зинченко В.П. Эргономика: человекоориентированное проектирование техники, программных средств и среды : Учеб, для вузов. - М.: Логос, 2001.

47. Назарова Т.С. Материально-техническое обеспечение школы: требуются новые решения // Стандарты и мониторинг в образовании. - 2000. - №4.-С.13-19.

48. Назарова Т.С., Полат Е.С. Средства обучения: технология создания и использования. - М.: Изд-во УРАО, 1998. - 204 с.
49. Назарова Т.С., Черникова О.Д., Волошинова Е.В. Научно-методические подходы к оценке качества и сертификации СО И Перспективы развития общего и среднего образования. - М.: ИОСО РАО, 1998. - С.46-50.
50. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования / Под ред. Е.С. Полат. - М.: Академия, 1999. - 223 с.
51. Окулова Л. П. Педагогическая эргономика: монография. – М. – Ижевск: Институт компьютерных исследований, 2011. – 200 с.
52. Окулова Л. П. Трудовая деятельность педагога современного вуза (эргономический аспект) // Современные проблемы наук: колл. моногр. Ижевск: Изд. центр «Удмуртский университет», 2016. С. 79–101.
53. Педагогико-эргономические требования к средствам обучения. – СПб., М: Крисмас+, ИОСО РАО, 2000 – 64 с.
54. Паронджанов В.Д. Дружелюбные алгоритмы, понятные каждому. Как улучшить работу ума без лишних хлопот. - М.: ДМК-пресс, 2010. – 464 с.
55. Педагогика: учебник/Л.П. Крившенко [и др.]; под ред. Л.П. Крившенко. – Москва: Проспект, 2012. - с.254.
56. Педагогическая энциклопедия. Т.4. - М.: Советская энциклопедия, 1968.-911 с.
57. Пискунов М.С. Имидж образовательного учреждения: структура и механизмы формирования // Стандарты и мониторинг в образовании. - 1999.- № 5.-С.44-55.
58. Пискунова Т.Н. Условия и факторы формирования позитивного имиджа общеобразовательного учреждения. Дис.... канд. псих. наук. - М., 1998,-148 с.
59. Политехнический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1989. - 626 с.
60. Попова Н.Д. Цвет школьных помещений // Начальная школа. -1998. -№3.-С.101-102.
61. Практикум по инженерной психологии и эргономике: Учеб, пособие для студентов вузов. - М.: Акад., 2003. - 395 с.
62. Риттельмайер К. Архитектоника школы: Как ученики переживают краски и формы. - Калуга: Духовное познание, 1998. -117 с.
63. Рубцова Н.Е. Психолого-эргономический анализ профессиональной деятельности учителя информатики при проведении диалога школьник-компьютер//Проблемы психологии и эргономики.- 1999.-С.57-59.

64. Сиденко А. Как разработать программу эксперимента? // Народное образование. - 1998. - №4. - С.36-43.
65. Симонов В.П. Педагогический менеджмент: 50 НОУ-ХАУ в управлении педагогическими системами. - М.: Педагогическое общество России, 1999.-430 с.
66. Словарь иностранных слов.-М.: Русский язык, 1988.-598 с.
67. Словарь практического психолога / Сост. С.Ю.Головин. - Минск: Харвест, 1998. - 800 с.
68. Словарь физиологических терминов.-М.: Наука, 1987.-421 с.
69. Справочник организационно-методических и психолого-педагогических материалов / Сост. Ромадина Л.П. - М. - Образовательный центр «Педагогический поиск», 1998. - 79 с.
70. Станкевич В. А. Педагогическая эффективность средств и методов обучения (на примере предметов географического цикла). Дис. ... канд. пед. наук. - Владикавказ, 1998. -143 с.
71. Стариченко Б.Е. Оптимизация школьного образовательного процесса средствами информационных технологий. Автореферат дис. ...доктора пед. наук. - Екатеринбург, 1999. - 39 с.
72. Суртаева Н.Н. Контрольно-корректирующая технология обучения: Учебно-научное пособие. - М. - Омск: Изд-во Ом.ГНУ, 1998. - 20 с.
73. Суртаева Н.Н. Нетрадиционные образовательные технологии. - Новокузнецк: Изд-во ИПК, 2000. - 63 с.
74. Суртаева Н.Н. Педагогические технологии: контрольно-корректирующая технология обучения//Химия в школе. -1998. -№4. - С. 14-19.
75. Суртаева Н.Н. Технология индивидуально-образовательных траекторий: Метод, рекоменд. - СПб, 2000. - 32 с.
76. Турғунов С.Т., Абдуллаев С.Х. Талим муассасаларида бошқарув фаолиятини лойихалаштириш // Халқ таълими журнали. – Тошкент, 2008. – №6. – 21 – 24-б.
77. Турғунов С.Т., Абдуллаев С.Х., Мусурманова Р. Педагогик тажрибасинов ишларини ташкил этиш ва бошқариш//Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар журнали. – Тошкент, 2008. -№3. -40-45б.
78. Тер-Мхитаров М. С. Эргономика и инженерная психология: Учеб, пособие. - Пермь: Перм. гос. техн, ун-т, 2003. - 203 с.
79. Черепанова В.Н. Педагогическая имиджелогия. -Тюмень: ТОГИР-РО, 1998.- 170 с.

80. Школьная мебель: Каталог.-М.: Квazar, 1998.-47 с.
81. Шлаен П.Я., Львов В.М. Эргономика в России: прошлое, настоящее, будущее // Проблемы психологии и эргономики. -1999. - Вып.1. - С.38-51.
82. Энциклопедия современного учителя. - М.: Астрель, Олимп, 2000. - 336 с.
83. Эргономика: Учебное пособие для вузов / В.В.Адамчук, Т.П.Вар-на, В.В.Воротникова и др.; Под ред. В.В.Адамчука. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 1999.- 254 с.
84. Яковлева А.В. Организация кабинета для углубленного изучения биологии в школе. Дис... канд. пед. наук. - М., 2000. - 279 с.
85. Хуторской, А.В. Развитие одарённости школьников. Методика продуктивного обучения. Пособие для учителя –М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2000. – 320 с.